

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети

«5640100 “Ветеринария» таълим йўналиши

ШУКУРОВ АББОС БАХТИЁРОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Яллиғланишларга қарши қўлланиладиган дори воситаларининг
таъсир механизми ва қўлланиши**

Илмий рахбар, доцент:

Салимов. Ю

«Тасдиқлайман»

**Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факультети декани,
доцент _____ Н. О. Фармонов**

«_____» _____ 2014 йил

**«Хайвонлар анатомияси,
физиологияси, жаррохлиги
ва фармакология» кафедраси
мудир, доцент _____ Х.Б. Ниёзов**

«_____» _____ 2014 йил

№ _____ - сонли йиғилиш баёни

САМАРҚАНД - 2014

МУНДАРИЖА

1.Кириш.....	
1.1.Мавзунинг долзарблиги.....	
2.Адабиётлар таҳлили.....	
3.Хусусий текширишлар.....	
3.1. Яллиғланишнинг ривожланиш фазалари ва босқичлари.....	
3.1.1.Турли ҳайвонларда яллиғланиш жараёнининг кечиш хусусиятлари.....	
3.1.2. Яллиғланишни даволашнинг асосий қоидалари ва усуллари. ...	
3.1.3.Ўткир ва ярим ўткир яллиғланишларни даволаш.....	
3.2. Яллиғланишларга қарши таъсир этувчи моддалар.....	
3.2.1.Яллиғланишга қарши таъсир этувчи гуруҳ препаратларига умумий тасниф ва уларни қўлланиши.....	
3.2.2. Яллиғланишларга қарши узоқ таъсир этувчи моддалар.....	
3.3. Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ҳақида..... тушунча ва уларнинг таъсир механизми.....	
4. Ветеринария ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди.....	
5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва фуқаролар мудофаси.....	
6.Хулосалар.....	
7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
8. Илова(Интернет маълумотлари).....	

Кириш

2014 йил 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

Президент ўз маърузасида 2013 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар ва муаммолар ҳақида ва 2014 йилда истиқболли йўналишлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Жумладан, иқтисодий ривожланиш соҳасида эришилган ижобий натижалар қаторида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошгани. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, ўтган йил яқунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этгани ва бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижаси бўлганини айтиб ўтди.

Ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибор сифатида давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолгани ва у умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этган.

Ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида тўхталар экан давлат раҳбари “Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски,

бутунлай бархам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изоҳ бериб ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларида қутула олмаётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт келди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмаларни бошқаришда замонавий фикрлайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таянишни талаб этмоқда” – дея таъкидлаб ўтди.

Маърузада юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижаларига кўра, ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскиргани маълум қилинди. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

Муаммолар қаторида Президент тадбиркорларнинг қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олиш лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Йиғилишда 2014 йил учун бир қатор вазифалар белгиланди:

- Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда 2004 йилда қабул қилинган ва бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаши вазифа сифатида юкланди;

- 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси шу йилнинг февраль ойидан кечиктирмасдан жорий йил дастури бўйича молиялаштиришни бошлаши, март ойида эса уй-жойларни қуриш ишларини бошлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари даркор;

- 2014 йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда;

- 2014 йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртларида янги ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган;

- Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 23-мартдаги ПҚ-308-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига четдан

қорамоллар зооветеринария, асбоб ускуналари олиб келиш учун тегишли имтиёзлар беришга ҳамда чорвачилик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳал қилиб берилганига қарамасдан бугунги кунда ташкил қилинган зооветеринария пунктларининг ва чорва молларини суний қочириш пунктларининг 62 фоизи тўлиқ жиҳозланмаган, улар учун зарур асбоб ускуналар олиб келиш учун Иштихон, Тойлоқ туманларида қониқарсиз ташкил етилган чорва молларини суний қочириш бўйича тузилган шартномалар вилоятда 20% бажарилган ҳолос. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш уни жорий йилда микрокредитлар бериш ишлари Булунғур, Самарқанд, Ургут туманларида яхшилашган. Вилоят туманларида чорва моллари учун озиқа экинлари етиштириш дағал ҳашак жамғариш ишларида аниқ режалаштирилмасдан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига дон корхоналари томонидан ташкил этилган шаҳобчалар орқали омехта ем сотиш ишлари Иштихон, Нарпай туманларида қониқарсиз аҳволда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида:

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш.

Республика ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган чорвачиликда ўтказилаётган ислохатлар ўзини ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилаётганлигини келтириш мумкин. Бинобарин янги ташкил етилган фермер хўжаликлари илмий ва оммавий таъминлаш, уларни рентабиллик хўжаликларига айлантириш соҳани истиқболлини белгилайди. Чунки кейинги беш йилда чиқарилган фармон ва қарорлар айнан шу мақсадларга қаратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни янада кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842- қарори чорвачиликни бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш борасида катта имконият яратди.

Соҳага оид эълон қилинган барча фармон ва қарорлар республикамизда хўжалик тоифасидан қатий назар чорвачилик билан шуғулланувчиларнинг даромадини ошириш ва ички бозорни етарли миқдорда сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни таъмин лашга қаратилган. Шунингдек чорвадор учун қулай шарт шароитлар яратиб, уларга қуйдаги имкионият ва имтиёзларни берди.

-қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларда қорамол парваришлаш билан шуғулланадиган шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига кириши, уларга меҳнат дафтарчаси беришни ва иш стажи ҳисобга олиши, нафақа ёшига етганда нафақа олиши хиуқуқига эга бўлиш;

-чорвачиликка ихтисослашган фермер ва бошқа хўжаликалар ҳамда паррандачилик корхоналарига ажратилган суғориладиган ерлар фақат ем ҳашак екинлари учун пахта екишда фойдаланмаслик;

-омихта ем, шрот, шулуҳа, кепак ва бошқа озуқа турларихарид қилиш мумкин бўлган озиқа сотиш бўйича ягона ихтисослашган шахобчаларни ташкил этиш;

-зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизилишининг танада яхшилаш, ветеринария лабораториялари ва ветеринария пунктлари замонавий ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ

мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсадида Президентимиз И.А. Каримов томонидан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди ва шу муносабат билан «Соғлом бола йили» давлат дастури ишлаб чиқилди :

- соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш;

- соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- соғлом болани вояга етказишда, патологияларсиз болалар туғилишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш;

- соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

- соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва мададни кучайтириш, мазкур жараёнлар учун масъул бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза муассасаларида замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш, уларни ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор халқаро тажрибани кенг кўламда ўрганиш ва амалда жорий этиш;

- соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, болаларни турли тўғаракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг ролини ошириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оилалар ва жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни ўз вақтида ва манзилли кўрсатиш борасида маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг масъулиятини кучайтириш;

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда унинг бажарилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларини фаол ишга тушириш.

1.1.Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан чиқарилган қарорларида чорвачиликни ривожлантиришга доир белгиланган вазифалар.

2008 йилнинг 21 апрел Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-842- қарори қабул қилинди. Ҳозирги ҳолат (2006 йил мартдан 2008 йил апрелигача);

Икки йилда 417 та жами 2,2 минг та сунъий кочириш пунктлари ташкил этилган зооветпункт ташкил этилган. Икки йилда 429 та жами 2 мингта сунъий кочириш пунктлари ташкил этилган. Омукта ем, шрот ва шелуха сотиш пунктлари қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Республикамызда ташкил қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш асосида чорвачилик, маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириб беришга эришишимиз мумкин. Юртимиз аҳолисини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ҳукуматымиз олдида турган асосий масалалардан биридир.

Ушбу вазифаларни бажариш учун мавжуд бўлган барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларини юқумли, юқумсиз ва паразитлар касалликларидан химоя қилиш чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида эришиш мумкин. Бунда албатта ветеринария мутахассисларининг ўрни беқиёсдир. Профилактик чора тадбирларни ўтказиш ва касал ҳайвонларни даволаш мақсадида турли ҳилдаги таъсир хусусиятига эга бўлган кўплаб фармакологик препаратлар амалиётда қўлланиб келинмоқда. Ушбу препаратларнинг таъсир этиш доирасида рўй берадиган ўзига хос хусусиятларни ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

2.Адабиётлар таҳлили

XVI-XIX юз йилликлар фан ва техниканинг тез ривожланиш даври бўлди. Бу даврга келиб Ньютоннинг “Бутун олам тортишиш қонуни”нинг исботланиши ҳамда шу каби , куплаб олимларнинг материя ва энергияни сақланиш қонуни тўғрисидаги фикрларини баён этилиши ва уларни амалда ўз тасдиғини топганлигини кўрсатди. Кимё фанининг ривожланиши туфайли турли хил моддалар куп миқдорда бўлмаган, асосий элементлардан ташкил топганлиги аниқланди. Кимё фани билан биргаликда, биология фанининг ҳам равнақ топишига замин яратилди. А.Везалий томонидан одам танаси тузилиши анатомияси ҳар томонлама чуқур урганилиб чоп этилди. Шунингдек И.Гарвей томонидан организмда қон айланиш тизими аниқланган бўлса,М.Мальпиги томонидан органларнинг микроскопик тузилиши урганила бошланди. Р.Лоуер юрак мускуллари тузилишини ёзиб тугатди.

Л.Спалланцан ҳазм органлари кимёвий ҳолатини ва қочириш механизмини урганди. Р.Декарт бош миянинг рефлектор равишда ишлаш механизмига эга эканлиги ғоясини олдинга сурди. И.И.Мечников фагоцитоз ҳодисасини очган бўлса, Ч.Дарвин ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши эволюция даврида бир туқимали организмларнинг ривожланиши натижасида юзага келганлигини исботлади. Шунга ўхшаш физиология, микробиология, клиника ва фармакология фанлари соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимлар томонидан фундаменталь фан янгиликлари натижасида, одам ва ҳайвон организми фаолиятини бошқариш, касалликларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни ривожланиш механизми ҳамда турли дори воситаларининг таъсир этиш хусусиятларидаги асосий қонуниятлар урганилиб, аниқланди. Тиббиёт биологиясининг ривожланиши , фармакология фанининг равнақ топишига тўртки бўлди.

Фармакология алоҳида фан сифатида XVIII асрдан бошлаб ривожлана бошлади. Биринчи бўлиб эксперименталь фармакология лабораторияси 1849 йили, Тарту шаҳридаги Юрьев университети илмий ходими Р.Бухгейм

томонидан ташкил этилди. Фармакология фанининг сифат жихатдан ривожланиш босқичи бир қатор доривор ўсимлик олколоидларини ажратиб олинишига ва препаратларни сунъий йўл билан тайёрлаш даврига тўғри келди. Бу эса ўз навбатида кимё фармацевтика саноатини юзага келишига сабаб бўлди.

Доршуносликни ривожда россиялик олимларнинг ҳам ишлари тақсинга созовардир. XVIII аср бошларида (1709-1755) Сибирь ўлкасида уюштирилган экспедиция туфайли, олиб борилган илмий изланишлар натижасида “Сибирь Флораси” номли 4 томли китоб чоп этилди. Унда 1178 турдаги ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар келтириб утилган. 1778 йилда Россияда латин тилида давлат фармакопеяси чоп этилди. Бу пайтга келиб фармакология бўйича куплаб экспериментал тадқиқотлар олиб борилди.

Ушбу йуналишда Н.И.Перогов, А.П.Нелютин ва бошқа шу каби олимларнинг олиб борган илмий изланишлари тақсинга созовардир. Шу йиллар давомида А.П.Нелютин (1785-1858) томонидан “Янги доривор воситаларни тайёрлаш ва уни қабул қилишдаги фармакографикаси ёки врач тавсиялари ” номли уч томлик туплами чоп этилди. Шунингдек физиологик ва клиник И.М.Сеченов узининг нейротроп моддалар тўғрисидаги, С.П.Боткин томонидан кардиотроп моддалар фармакологик хусусиятларини урганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари, фармакология фанининг ривожланишига ўз хиссаларини қўшдилар. И.П.Павлов 11 йил мабойнида (1879-1890) С.П.Боткин клиникаси эксперименталь лабораториясига бошчилик қилди. Шу даврлар мабойнида у томонидан дори моддаларни, соғлом ҳайвонлар марказий асаб тизими фаолиятига қандай таъсир этиш хусусиятлари ўрганилди.

Н.П.Кровков эса (1865-1924) дори моддалари қўлланилгандан олинадиган самарадорлик, уларни қўллаш дозаси ва қонцентрациясига боғлиқ эканлигини ҳамда касалликни самарали даволашда дори моддаларини биргаликда қўллаш кераклигини курсатиб берди. У томонидан “Фармакология асослари” номли 2 томлик китоб чоп

этилди. Н.А. Сошественский (1876-1941) раҳбарлигида касалликларни олдини олиш ва даволаш бўйича куплаб доривор моддалар урганилди.

Хусусан қичимани даволашда олтингугуртнинг таъсир этиш механизми, гельментлар билан курашиш ва дезинфекцияни қандай ўтказиш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу мактабдан И.Е.Мозгов, С.Т.Сидорова, М.К.Долматов, Г.А.Валков, Д.К.Червеков каби ветеринария фармакологлари етишиб чиқди ва улар томонидан фармакология бўйича бир қатор укув дастурлари яратилди.

Узоқ йиллар давомида фармакология фани бўйича олиб борилган бундай илмий изланишларни асосан уч даврга бўлиш мумкин.

-XIX аср инсонлар томонидан сунъий кимё фанига асос солиниши ва уни ривожланиши, бошланиш даври .

- XIX аср бошланиши ва XX асрнинг 30 йилларигача бўлган давр. Бу даврда куплаб дори препаратларини сунъий усулда олиш йўлга қуйилган пайт.

-XIX асрнинг 30 йилларидан кейинги ва бизнинг ҳозирги 100 йиллигимизгача бўлган давр. Бу антибиотик ва сульфаниламид гуруҳи препаратларини очилиши, фармакологияда янги илмий йўналишни пайдо бўлишлиги билан боғлиқ бўлган давр ҳисобланади.

Фармацевтика ишлаб чиқариш санаотининг жуда тез ривожланиши натижасида, куп миқдордаги дори препаратлар яратилишига эришилди. Шунга мувофиқ дори моддаларни урганиш ва уларни қулланиши бўйича баъзи бир қийинчиликларни юзага келиши туфайли, ушбу воситаларни гуруҳларга бўлган ҳолда маълум бир тизимга солиш эҳтиёжи туғилди. Дори моддаларининг бундай тасниф қилиниши улардан жуда ҳам самарали фойдаланиш учун замин яратилади. Албатта бунга эришишимиз учун ушбу масалага ҳар томонлама тўғри ёндошган ҳолда, мавжуд барча усуллардан фойдаланишимиз зарур бўлади.

Тасниф қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

-кимёвий тузилишига қараб (ацеклидли бирикмалар, алколоидлар, гликозидлар, стероидлар, эфирлар).

-фармакологик таъсирига қараб (антидепрессантлар, антикоагулянтлар, бронхолитиклар ва бошқалар.)

-терапевтик қулланилишига қараб (микробларга қарши қулланиладиган восита, кам қонликка қарши қулланиладиган восита).

Ҳозирги пайтда академик М.Д.Машковский томонидан тавсия этилган дори моддалар таснифи кенг қулланилиб келинмоқда . Бу таснифга мувофиқ барча дори моддалари 5 гуруҳга бўлинади.

-нейротропли

- бошқарув органлари ва тизимлар фаолиятини тартибга солувчи

-тўқималар алмашинуви кечишига таъсир курсатувчи

-иммун тизим ва махсулдорликка нисбатан салбий таъсирларни олдини олувчи ва даволовчи .

-микробларга, вирусларга ва паразитларга қарши таъсир курсатувчи воситалар.

Дори моддаларни қулай қулланилиши учун, уларга маълум бир шакллар берилади. Шунга мувофиқ 4 гуруҳдаги дори шакллари ажратилади, булар қаттиқ, юмшоқ,суюқ, ва газсимон.

Дори моддалар таъсиридаги кучини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратилади.захарли, кучли таъсир курсатувчи ва кам захарли препаратлар.

Фармакодинамика-фармакологик моддалар организмга юборилгандан сўнг юзага келадиган таъсиротларни бошланғич даражасидан то улар таъсирини тулиқ йўқолишигача бўлган даври мабойнида кузатилган барча функционал ўзгаришларни, ва шу юилан биргаликда организмни қайта тикланишигача бўладиган ҳодисалар қонуниятларини урганади. Дорилар организмда аниқ бир молекулалар даражасида ёки биокимёвий жиҳатдан бирлашган ўз таъсирини кўрсатиш натижасида, орган ва тўқималар ёки бутун организм тамонидан унга нисбатан жавоб реакцияси юзага келади. Организм ёки ундаги кўп сонли рецептор, хужайра ва тўқималарга дорининг

ўзаро таъсиридан, ички метаболизм юзага келади, ва натижасида фармакодинамик реакция содир бўлади.

Ҳар қандай дори моддаси ҳам организмда бир меъёрга, тўлиқ тарқалмайди. Улардаги таъсирни ошири билан, орган ва тўқималарда кучли қўзғалиш ёки пасайиш каби фармакодинамик ўзгаришлар намоён бўлади.

Ички органларда утказилган марфологик (гисталогик) ва биокимёвий текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, пеницеллин,тетрациклин ва тилозин сақловчи препаратлар қўлланиб ва уларни организмга юбориш тўхтатилгандан сўнг, ушбу хужайралар ички метаболизмида, 60-90 кунгача ўзгаришлар рўй берганлигига гувоҳ бўлишган.

Бир катор тадқиқотчилар ўлган ҳайвон танасида антибиотиклардан, пеницеллин,тетрациклин ва стрептомицин гуруҳи препаратларини, 6 ой давомида миоглобин билан бириккан ҳолда бўлганлигини аниқлашган.

Организмда фармакодинамикани кечишини тахминан 3 даврга бўлиш мумкин.

1. Дори моддалар таъсир кўрсатиш самарадорлигини ўсиб бориш даври
2. Дори моддалар таъсир кўрсатиш самарадорлигини энг юқори даражада сақланиш даври.
3. Дори моддалар таъсир кўрсатиш самарадорлик даражасини пасайиб, аста- секин ўз холига қайтиш даври.

Биринчи даврда юборилган дори воситалар сўрилишининг организмда кучли намоён бўлишлиги туфайли, дорининг биотрансформацияси ва тарқалиши суст бўлади ва унинг таъсири организмда аниқ сезилмайди.

Иккинчи даврида эса дорининг организмда сўрилиши, унинг – биотрансформацияси ва тарқалиши билан бир меъёрга давом этиб, таъсири ҳам аниқ бир вақтда бирдек давом этади.

Учинчи даврга келиб эса организмда дорининг сўрилиш даражаси сусаяди, аммо унинг биотрансформацияси ва тарқалиши хали ҳам юқори даражада сақланиб қолади. Бундай бу фармакодинамик самарадорлик аста-секин пасайиб,бошланғич ҳолатига қайтади.

Дори моддаларнинг организмдаги бундай фармакодинамик қонунияти, ўзига хос хусусият бўлгани билан , аммо унинг кўриниши ва йўналиши ҳар хил бўлиши мумкин.

Дориларнинг фармакодинамик самарадорлиги, ижобий ва салбий кўринишларида юзага келиши мумкин.

Кўпгина дориларнинг организмдаги юқори фармакодинамик самарадорлиги, улар юборилгандан 45-60 дақиқа ўтгандан сўнг юзага келиб ва бу ҳолат 1-2 соат мобайнида давом этиши мумкин. Бундай ҳолатга дориларни тўғридан -тўғри қон томирига юборилиши қирмайди. Мисол учун: кофеинни таъсир кўрсатиш даври 45-60 дақиқани ,тетрациклинда 3-5 соат,бицеллинда эса 2-3 кунни ўз ичига олади. Қондаги барча фармакологик моддалар, организмдаги алмашинув жараёнини кучайтириши ёки сусайтириши мумкин. Шу туфайли касалликни даволашда дориларнинг ушбу хусусиятларига қараб қўллаш тавсия этилади.

Организмда фармакодинамика ҳолатига, қуйидагилар таъсир кўрсатади.Дори моддасининг кимёвий тузилиши, дозаси, ҳайвон организмнинг ўша пайтдаги ҳолати,ёши ,жинси,сақланиши ва бошқалар

Дори моддаларининг кимёвий тузилиши фармакодинамикадаги самарадорликни йўналиши ва кучини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Организмда дорининг таъсири фармакологик модда малекулалари билан рецепторларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Мисол учун: фосфорорганик бирикмалар, ацетилхолинэстеразининг анионли гуруҳини ўраб олиши (блокада)натижасида, медиатор ацетилхолинни тўпланишига шароит яратиб организмда унинг холинотетик таъсир хусусиятини намоён бўлишини таъминлайди.

Атропин эса бунинг тескарисини, яъни синапслар орада мембраналаридаги холинорецепторларнинг анионли гуруҳини ўраб олишлиги туфайли уларни ацетилхолин билан бўладиган ўзаро таъсирини йўқотади.

Фармакодинамикага, дори моддаларнинг кимёвий тузилиши ва таъсирини боғлиқ эканлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар

натижасида, самарали, янги препаратлар олишга замин яратилди. Шу туфайли турли хил кимёвий тузилишга эга бўлган бир қатор дори моддалари, бири-бирига ўхшаш бўлган таъсир хусусиятларини намоён қилади.

Мисол учун: эфир, хлороформ, фторотан, барбитурат кислота унумлари каби бир қатор препаратларнинг барчаси наркотик воситалар гуруҳига мансубдир.

Дори моддалар дозалари ва уларни белгилаш қоидалари

Доза-бу организмга юбориш учун белгиланган бир марталик, бир кун давомида ва касалликни тўлиқ даволаш мобайнида қўлланиладиган дори моддасининг миқдоридир. Касалликларни даволаш ва уни олдини олиш мақсадида олинадиган дори воситаларининг терапевтик дозаси, 3 хил кўринишда энг кам, талаб этилган ва юқори дозаларда бўлади.

1.Энг кам доза миқдори дори воситалари организмга юборилганда, паст кўринишдаги фармакодинамик ва фармакотерапевтик самарадорликни кузатиш мумкин. Бундай дозаларда дори моддалари асосан, фармакопрофилактика мақсадларида қўлланилади.

2.Талаб этилган дозаларда эса- дори моддалари, касалликни даволаш мақсадларида тавсия этилади. Бундай дозаларда қўлланилган дори моддалари, организмда юқори даволаш самарадорлигини номоён қилган ҳолда, сезиларли салбий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Агарда айрим ҳолатларда талаб этилган терапевтик дозада дорининг даволаш самарадорлиги етарли бўлмаса, бундай пайтларда дорини юқори терапевтик дозаларда олиб қўллаш тавсия этилади. Ушбу дозада қўлланилган дорининг даволовчи самарадорлиги юқори бўлиши билан биргаликда, унинг салбий, захарловчи таъсир хусусиятлари ҳам кузатилиши мумкин. Дорини - дозалашнинг энг самарали усули бу ҳайвонинг 1 кг тирик вазнига нисбатан олиб белгилашдир.

Дориларни дозалаш уларнинг оғирлиги ва ўлчами бўйича олинсада айрим пайтларда уларни таъсир бирлигида (ТБ) ҳам олиб белгиланади. Дорининг дозаси, унинг организмга қай йўл билан юборилишига, ҳайвон тури,

жинси, ёши, ўзига хос бўлган физиологик ҳолатига, озиқланиш, қўлланилаётган дорининг шакли ва уни юбориш вақтига ҳам боғлиқ бўлади.

Шунга мувофиқ равишда бир дори шаклини тери остига юбориш орқали қўллаб, уни бир доза деб оладиган бўлсак, ушбу доза бошқа йўллар билан юборишда қуйидагича кўринишда бўлади. Тери остига 1 доза; ичга 1.5-2 доза; тўғри ичакка(ректал) 1-1.8; мускул орасига 1,0; вена қон томир ичига 0.5-0.7; трахеяга 0.5.

Барчага маълумки ҳар бир турга мансуб ҳайвонлар, ўзига хос анатомик-физиологик тузилишга ҳамда турли оғирликдаги тирик вазнга эга.Шуни инобатга олган ҳолда дори моддаларини дозалаш қуйидаги кўринишда амалга оширилади.Йирик шохли ҳайвонларга, тирик вазни 500 кг -1 доза, отларга 500-600 кг-1, қўйларга 50 кг-0.2-0.3, чўчка 80 кг-0.4-0.5,товуқларга 2 кг 0.05-0.1.

Хайвонларнинг жинсий ҳолатлари ҳам фарқланиб, дори моддалари дозаланади. Эркак хайвонлар организмида моддалар алмашинуви, урғочи хайвонларга нисбаттан бир неча бор тез амалга ошишини ҳисобга оладиган бўлсак уларга тавсия этиладиган дорилар 10-20% юқори миқдорларда олиб қўллаш тавсия этилади.

Шунингдек қари ҳайвонларга нисбатан ёш ҳайвонларга 1 кг тирик вазнига бериладиган дорининг миқдорини 30-40%га ошириб берилади.

Дори шаклининг организмда фармакодинамикани юзага келишидаги аҳамияти шундан иборатки, дори шакли билан фармакологик модда ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун дори моддалар - биотрансформациясида, улар таркибидаги шакл берувчи воситаларни ҳар хил бўлишидан қатъий назар организмнинг маълум бир жойида ўзаро таъсирининг тўлиқ намоён бўлишлиги ўз тасдиғини топган. Купгина ҳолларда касал ҳайвонни даволаш мақсадида, организмга турли фармакодинамикага эга бўлган икки ёки ундан кўп дори моддалари юборилади. Организмга бундай тартибда юборилган дорилар бир-бири таъсирини қўллаб-қувватлаб, даволаш самарадорлигини оширади. Уларнинг бундай хусусиятини сенергизм деб аталади. Организмга юборилган икки ёки ундан кўп дори воситалари, ўз таъсир

хусусиятлари билан, организмда бир-бирига қарши таъсир кўрсатса бунга антоганизм дейилади.

Антогонизм ҳолати кимёвий ва фармакодинамик, бир томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Мисол тариқасида, кислота ва ишқорларни ўзаро таъсиридаги ҳолатин айтишимиз мумкин.

3.Хусусий текширишлар.

3.1. Яллиғланишнинг ривожланиш фазалари ва босқичлари.

А) Умумий реакция. Маълумки организмнинг бутун системаси ва алоҳида ҳар бир хужайранинг бутунлиги ва реактивлиги доим ташқи муҳит таъсирида бўлади. Бунда нерв системасининг аҳволи ва унинг билан чамбарчас боғлиқ бўлган эндокрин системасининг функционал бутлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Нерв – эндокрин системаси бошқариш фаолиятининг бузилиши периферик хужайраларнинг физиологик хусусиятларини ва таъсирга чидамлигини пасайтиради.

Шундай қилиб тананинг барча хужайралари физиологик ҳолати ва ҳаётлиги бутун организмнинг функционал ҳолати ва унинг нейрогуморал бошқарилиши билан боғлиқдир.

Шикастланган жойдан кучли қўзғалишлар нерв импульси шаклида симпатик занжирнинг оддий афферент йўллари (периферик нервлар) ва нерв – томир тугунлари орқали ретикуляр формацияга етиб бориб, у ерда кучли қўзғалиш чақиради. Бу ердан қўзғалиш ички марказ эфферент йўллар орқали бош миyaning пўстлоғига бориб, у ерда ҳам қўзғалиш чақиради. Катта мия пўстлоғи аввалдан қўзғалган пўстлоқ остига қайта жавоб импульсларини юбориб, унинг фаолиятини бошқаради.

Қўзғалган пўстлоқ ости эфферент йўллар орқали барча аъзоларга ва айниқса шикастланган жойга трофик ва бошқа импульсларни юборишга бошлайди. Шунинг билан биргаликда мия пўстлоғи ҳам эфферент йўллар орқали шикастланган жойга ўз импульсларини юбориб туради ва жавоб импульсларини қабул қилади.

Айрим ҳолларда шикастланган жойда ҳосил бўлган импульслар марказга бормасдан периферик нерв, параганглий ва симпатик ганглийларда қолишлари мумкин.

Шикастга қарши умумий реакция бир қатор ҳолларда маҳаллий реакция билан бирга кечади, қайсики организмнинг умумий реакциясини чақиритиши мумкин. Шулардан қуйидагилари эътиборга лойиқдир.

Шок. Касаллик қисқа вақт ичида кескин қўзғалиш ва кейинчалик нерв системаси ва организмнинг барча фаолиятлари чуқур бостирилиши билан ифодаланади.

Шок – (зарба. инглиз) термини XVIII асрнинг бошида француз врачлари – Дран орқали киритилган.

Шокнинг таснифланиши – чақирувчи сабабларга кўра шок травматик, операцион, гемотрансфузли ва анафилактик бўлиши мумкин.

Энг кўп ҳолатларда травматик шок кузатилади. Ундан ташқари вақт ўтишига қараб бирламчи шок – (шикастдан сўнг бирданига бошланиб бир неча соат давом этади) ва иккиламчи шок (бир неча соат ёки кундан кейин пайдо бўладиган) кузатилади.

Бирламчи шок асосан уч фазада кечади:

1. Эректил фаза – кескин қўзғалиш.
2. Торпид фаза – чуқур тормозланиш.
3. Паралитик фаза – ўлимга олиб келади.

Қорамолларда шок нисбатандан кам учрайди.

Этиология: Шок юмшоқ тўқималарнинг кучли зарарланиши, суяк синишлари, нерв стволларнинг қисилиши, брызжейканинг (ичак тутқичи) кучли тортилиб чўзилиши, ички аъзоларга қўпол таъсир қилиш, пневмоторакс, қўпол туғдириш муолажалари, 2–, 3–, 4– ва 5– даражали куйишларда ва бошқ. пайдо бўлиши мумкин.

Чақирувчи сабабларга кўмаклашувчи омиллар: марказий нерв системасининг кучли қўзғалиши, узоқ вақт йиринглаш, оғир касаллик, совқотиш, қизиб кетиш, озуқа ва сув етишмаслиги, кўп қон йўқотиш, А ва Б гипо – авитоминозлар, қўрқув.

Коллапсда вақтинча тўсатдан юрак фаолиятининг сусайиши ва томирлар тонусининг пасайиши натижасида артериал босим ва барча ҳаётий фаолиятларнинг пасайиши кузатилади. Сабаби – кучли қон оқиш ва оғриқ. Айрим пайтларда коллапс тўқима бузилишидан ҳосил бўлган ўткир

интоксикация, нервли стресс (кўрқув) ва мушаклар чарчашидан ҳам келиб чиқади.

Клиник белгилар: тўсатдан ҳайвонда умумий ҳолсизланиш ҳосил бўлиб ҳайвон ётади, пульси тезлашади ва кучсизланади (ипсимон), нафас олиши сусаяди, кўриниб турган шиллиқ пардалар ва конъюнктива оқариб, кўкимтир рангда бўлади. Ҳайвонларнинг умумий ҳарорати ва реакцияси паст, оёқлари совуқ, мушаклари бўшашган бўлади.

Даволаш: юрак фаолиятини салбийлаштирган сабаблар йўқотилади. Қон оқганда зарарланган томирга лигатура, тампон қўйилади ва вена ичига кальций хлориди суюқлиги юборилади. Ундан ташқари вена ичига глюкоза, аскорбин кислотаси қўшилган физиологик эритма юборилади. Қон ёки қон ўрнини босувчи суюқликлар (полиглюкин, реополиглюкин, гемодез, аминокислоталар) қуйиш яхши самара беради.

Интоксикацияда вена ичига 40 % гексаметилентетрамин билан биргаликда кофеин юборилади. Юрак фаолиятини яхшилаш учун тери остига кофеин, камфора мойи, вена ичига камфора зардоби (кичик ҳайвонларга 25 – 30 мл, катта ҳайвонларга 250 – 300 мл, кунига 2 маротаба) юборилади.

Шу билан биргаликда иситувчи муолажалар ва массаж қўлланади.

Б) Маҳаллий реакция. Яллиғланиш – *inflammatio* деб юқори тараққий этган организмда механик, физик, кимёвий ва биологик омилларнинг таъсирида ҳосил бўлган шикастланишларга жавобан ҳимоя – мослашув реакциясига айтилади.

Яллиғланиш генетик ва модда алмашинувининг бузилишидан келиб чиқадиган касалликлардан ташқари, кўпчилик касалликларнинг патогенетик асосини ташкил қилади. Яллиғланиш универсал томир – мезенхимал реакция бўлиб, икки фазада кечади ва иммунитет билан чамбарчас боғлиқдир.

Яллиғланиш икки турга бўлинади – асептик ва инфекцион.

Асептик яллиғланиш механик, физик, кимёвий омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Кечиши бўйича у – ўткир ва сурункали, экссудат хилига қараб серозли, сероз – фибринозли ва фибринозли бўлади. Экссудат таркибида

эритроцитлар бўлса у геморрагик дейилади. Скипидар ва бошқа кимёвий моддалар таъсирида асептик йирингли яллиғланиш пайдо бўлади.

Инфекцион яллиғланиш ҳайвон тўқималарига микроорганизмларнинг ўрнашиши натижасида ривожланади. Кечиши оғирроқ бўлади. Йирингли яллиғланишни стрептококк, стафиллококк, кўк йиринг таёқчаси ва бошқалар чақиради. Факультатив анаэроблар эса чириш жараёнларини ривожлантиради.

Яллиғланиш ҳимоя – мослашиш жараёни бўлиб, икки ўзаро боғлиқ компонентлардан иборат: дегенерация – бузилиш ва регенерация – тикланиш. Шу компонентларнинг бир биридан устунлигига кўра яллиғланиш қуйидагиларга бўлинади:

1. *Нормергик яллиғланиш* – бунда организмнинг жавоб реакцияси шикастловчи омилга тенг. Бу турдаги яллиғланишда касаллик енгил кечиб, тузалиш билан тугайди.

2. *Гиперергик яллиғланиш* – нерв системасининг адаптацион – трофик функцияси бузилганда, аллергия ҳолатда ва ўлган тўқималар кўп бўлганида кузатилади. Кечиши ўткир. Бунда бузилиш жараёнлари тикланиш жараёнларидан устун келади.

3. *Гипоергик яллиғланишда* шикастловчи агент таъсирига организмнинг жавоб реакцияси паст бўлади. Бу ҳилдаги жараён ориқ, кучсиз, илгаридан касалланган ҳайвонларда кўпроқ кузатилади.

Организмнинг ҳимоя реакцияси кучсиз бўлгани сабабли инфекция кучаяди ва тез тарқалади. Бундай яллиғланишлар асосан анаэробли инфекция ва ионли радиацион нурланишларда кузатилади.

Яллиғланиш икки фазада кечади. Ҳар бир фазада ўзига хос маҳаллий биофизик – кимевий ўзгаришлар кузатилади.

Биринчи фаза – гидратация. Бу фазада яллиғланган жойда кўп миқдорда суюқлик йиғилади ва асосан бузилиш жараёнлари кечади (альтерация).

Иккинчи фаза дегидратация яъни яллиғланган жойдан тўпланган суюқликнинг сурилиб кетиши ва регенератив жараёнларнинг ривожланиши

билан ҳарактерланади. Дегидратация фазасида яллиғланган жой бириктирувчи тўқимали тўсиқ билан ўралиб, соғ тўқималардан ажратилади. Бу фазада нейротрофика аста – секин тикланади ва қон ҳамда лимфа айланиши нормага келади.

Яллиғланиш босқичлари.

Биринчи фаза асосан икки босқичдан ташкил топган: *яллиғланиш шиши* ҳамда *ҳужайрали инфильтрация ва фагоцитоз* босқичлари. Йирингли яллиғланишда яна учинчи – *чегараланиш ва ҳўппозланиш* босқичи кузатилади.

Иккинчи фазага икки босқич – *биологик тозаланиш (сўрилиш)* ҳамда *тикланиш ва чандиқланиш* босқичлари киради. Йирингли яллиғланишда ундан ташқари *пишиб етилган ҳўппоз* босқичи кузатилади.

Гидратация фазасида кечадиган ўзгаришлар:

Яллиғланиш шиши босқичининг клиник белгилари: маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, (йирингли яллиғланишда ҳам умумий ҳарорат ошади), оғриқ реакцияси, тўқималарнинг серозли шимилиши, бармоқ билан босганда тез йўқоладиган чуқурча ҳосил бўлиши. Қонда гипофизнинг кўп миқдорда яллиғланиш гормонлари (соматотропли, тиреотропли) ва буйрак усти қобиғининг гормони (дезоксикортикостерон) пайдо бўлади. Яллиғланган жойда кам миқдорда ацетилхолин, адреналин, гистамин ва лейкотоксинлар тўпланади. Қонда лейкоцитларнинг миқдори кўпаяди.

Ҳужайралар инфильтрацияси ва фагоцитоз босқичи зарарли агентлар ушлаб турилиши, уларни нейтраллаш, активлиги билан фаолиятининг бостирилиши билан ҳарактерланади. Бу даврда яллиғланиш атрофида бирламчи ҳужайрали тўсиқ ҳосил бўлади.

Клиник нуқтаи назардан шу даврда яллиғланиш ўчоғининг маркази зичлашади, бармоқ билан босганда чуқурча ҳосил бўлиши қийинлашади ва йўқолиши сустлашади, умумий ва маҳаллий ҳарорат ошади, ҳайвоннинг умумий ахволи ёмонлашади. Яллиғланиш ўчоғида актив фагоцитоз, фаголиз ва кучайган ферментолиз кузатилади.

Кислота – ишқор баланси бузилиб, маҳаллий ацидоз ривожланади. Бараварига осмотик ва онкотик босимлар кучаяди. Суюқликда калий миқдори ошади. Кўп миқдорда физиологик актив моддалар – нуклеин кислоталар ва адреналин системасининг моддалари – гистамин, брадикордин, лейкотоксин, некрозин ва бошқ. тўпланади.

Яллиғланиш ўчоғида тўқима ва микроблар токсинлари пайдо бўлади, натижада яллиғланиш марказида нейродистрофик жараёнлар кучайиб, зарарланмаган тўқималар чегарасида бирламчи ҳужайрали тўсиқ ҳосил бўлади, актив фагоцитоз кузатилади. Фагоцитознинг активлиги асосан муҳитнинг кучсиз аччиқлигида кучайиб, ацидоз кучли бўлганда эса умуман йўқолади.

Агар жараён микроорганизмлар билан ифлосланса *чегараланиш ва ҳўппозланиш* босқичи бошланади. Бу босқичда яллиғланган тўқималар янада зичлашади. Аммо ҳар – ҳар жойда юмшаган нуқталар сезилади. Умумий ҳолат ёмонлашади ва оғриқ кучаяди. Бу босқичда организмнинг химоя кучлари микробларни ўраб олиб йўқ қилишга, ўлган ва жонсиз тўқималарни ферментлар ердамида эритиб емирилишига ва грануляцион тўсиқ ҳосил қилишга йўналтирилган бўлади. Жараённинг нейротрофик бошқарилиши тўлиқ бузилади ва патологик ўчоқда декомпенсацион (қайтариб бўлмайдиган) ацидоз ҳосил бўлади. Тўқималарнинг қон билан таъминланиши тўлиқ тўхтайтиди. Натижада жараён марказидаги тўқималар ферментолизга учраб, емирилади ва йирингга айланади. Марказ атрофида ацидоз нисбатан кам ($pH\ 6,7 - 6,9$) бўлгани учун, фагоцитоз активлашади ва тўлиқ грануляцион тўсиқ ҳосил бўлади, барча ўлган тўқималар суюқлашиб, бўшлиқ пайдо бўлади, грануляцион тўсиқ шаклланиб инфект босиб олинади.

Клиник белгилардан ярим сферик флюктуация берадиган шиш ҳосил бўлиши ва ҳайвоннинг умумий ахволининг яхшиланиши кузатилади.

Дегидратация фазасида кечадиган ўзгаришлар:

Биологик тозаланиш (сўрилиш) босқичи.

Жараён яхши кечганда инфект бартараф этилади, ўлган тўқималар тўлиқ суюқлашиб, ҳўппоз ҳосил бўлади.

Пишиб етилган ҳўппоз ташқарига ёки ичкарига бирон бир анатомик бўшлиққа ёрилади. Шунда у кўкрак кафаси, қорин бўшлиғи ёки бўғимга ёрилса оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Кичик ҳўппозчалар бириктирувчи тўқима билан қопланиб, сўрилиб кетиш мумкин.

Агар йиринг тўқималар ичига чиқса флегмона, анатомик бўшлиққа чиқса эса эмпиэма ҳосил бўлади

Тикланиш (регенерация) ва чандиқланиш босқичи.

Йирингли бўшлиқ бириктирувчи тўқима билан тўлади. Кейинчалик бу бириктирувчи тўқима чандиққа айланади, шунда унинг маркази зичлашади четлари эса аста – секин сўрилади. Катта чандиқ ҳосил бўлганда у охиргача йўқолиб кетмайди ва аъзонинг фаолиятини бузади.

Катта чандиқ ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида моцион, иссиқ ва бошқа физиотерапевтик усуллар, тўқимали терапия, пирогенал ва бошқа, фиброз тўқимани сўрдирувчи чоралар қўлланилади.

3.1.1. Турли хайвонларда яллиғланиш жараёнининг кечиш хусусиятлари.

От ва итларнинг асептик яллиғланишида сероз, инфекцион яллиғланишда эса йирингли – сероз суюқлик (экссудат) тўпланиб, яққол протеолиз (ўлган тўқималарнинг суюқлашиши) кузатилади.

Қорамол, қўй, эчки ва чўчқаларнинг асептик яллиғланишида сероз – фибриноз, инфекцион яллиғланишда эса пролиферация кучли бўлиб, йирингли – фибриноз экссудат тўпланади. Йирингли ферментатив жараёнлар отлардаги яллиғланишга нисбатан суст кечади ва йирингли демаркацион хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўлган тўқималарнинг протеолизи (суюқлашиши) кам бўлгани сабабли йирингли ўчоқ бириктирувчи тўқима билан тўлади ва у шу ерда ушланиб қолади. Ўлган тўқималар ичига бириктирувчи тўқима ўсиб кириб бориши сабабли улар инкапсуляцияга учрайди.

Кемирувчилар ва паррандаларда яққол фибринли экссудация устунлик қилади. Фибрин лахталари фибрин – тўқимали массани ҳосил қилади ва кейинчалик қорақўтирга айланади (очиқ жароҳатларда). Қорақўтир

демаркацион яллиғланиш ва грануляцион тўсиқ ривожланиши натижасида секвестрацияга учрайди.

3.1.2. Яллиғланишни даволашнинг асосий қоидалари ва усуллари.

Умуман айтганда даволаш чора – тадбирлари яллиғланишни чақирувчи сабабларни йўқотишга ва яллиғланиш реакциясини нормаллаштиришга қаратилган бўлиши лозим (гиперергик ва гипоергик яллиғланишларда). Шунинг учун қуйидагиларни бажариш керак:

1. Организмга таъсир этувчи этиологик омилни йўқотиш.
2. Шикастланган органга тинчлик барқарор этиш ва нерв системасини ҳаддан зиёд қўзғалишининг олдини олиш ёки йўқотиш чораларини қўллаш.
3. Касал ҳайвонга яхши шароит яратиш.
4. Тўғри тузилган, витаминларга бой рацион тузиш.

Яллиғланиш жараёнини нормаллантириш учун этиотроп ва патогенетик даволаш усуллари қўлланади.

Этиотроп терапия:

Физик, кимёвий, биологик усуллар ёрдамида шикастловчи омилларни ва шуларга кирувчи микробларни (вирусларни) тўлиқ йўқотиш кўзда тутилади.

Патогенетик терапия организмнинг мослашиш (адаптацион) реакциялари, химоя механизмлари ва регенератив – тикланиш жараёнларини мақсадли бошқариш ҳамда бузилган фаолиятларни нормаллаштириш мақсадида нейроэндокрин тизими орқали таъсир этувчи усуллар ва воситалар комплекси қўлланиши.

Буларни бажариш учун биринчи навбатда новокаин қамалларидан фойдаланиш лозим. Улар нерв марказларини ва вегетатив системасининг ҳаддан зиёд қўзғалишига йўл қўймайди. Натижада қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлар (мия қобиғида) бараварлашади, перифериянинг нерв трофикаси яхшиланади, қон айланиши тикланади. Бириктирувчи тўқиманинг физиологик системаси, имуногенез, фагоцитоз, компенсатор жараёнлар активлашади.

3.1.3. Ўткир ва ярим ўткир яллиғланишларни даволаш.

Ўткир яллиғланишда – биринчи 12 – 24 соат ичида маҳаллий гипотермия ва кучсиз сиқувчи боғламлар қўлланади (тўқима шишини қайтаради, оғриқ камаяди). Ундан ташқари киска новокаин камали билан биргаликда ионофореz орқали гидрокортизон юборилади.

Иккинчи кундан бошлаб иссиқ муолажалар яъни спиртли қурийдиган боғламлар, иситувчи компресслар, Минин лампаси, қизил ёруғлик ва бошқалар қўлланади. 3–4 кундан сўнг оғриқ пасайганда массаж билан биргаликда озокерит ва парафин аппликациялари қўлланиши зарур.

Ярим ўткир ва сурункали яллиғланишни даволаш усуллари фибринли – пластик ва пролифератив ўзгаришларга, тўқималарни кўп миқдорда чандиқлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

Қўлланидиган усуллар: ўткир қўзғатувчи малҳамлар билан массаж ўтказиш. Линиментлар билан иссиқ муолажалар қўллаш, тўқима терапияси, тери остига пирогенал, шафтоли мойи ёки провансал мойи аралаш скипидар, метилсалицилат ва бошқа қўзғатувчи воситаларни қўллаш. Нуқтали ва чизиксимон куйдиришдан кейин (термокаутеризация) отларга қизил симоб малҳами, қорамолларга икки хромли калий малҳамини сўриш яхши натижа беради. Проллиферат соҳасига ультратовушни айниқса фонофарез билан биргаликда қўллаш жуда яхши самара беради.

Ўткир йирингли яллиғланишни даволашда яллиғланишнинг босқичига қараб этиотроп ва патогенетик усуллар қўлланилади. Инфекция бостирилиб йўқотилади. Тўлиқ бириктирувчи тўқимали тўсиқ ҳосил бўлишига ёрдам берилади. Кўп миқдорда тарқалган некрозлар ва йирингланишнинг олди олинади. Тўқима бузилиши натижасида ҳосил бўлган ва микроблар ишлаб чиқарган токсинлар нейтраллаштирилиб организмдан чиқарилади, ҳосил бўлган йиринг ташқарига чиқариб ташланади.

Организмнинг мослашиш (адаптацион) реакциялари, ҳимоя механизмлари ва регенератив – тикланиш жараёнларини мақсадли бошқариш

ва бузилган фаолиятларни нормаллаштириш мақсадида нейроэндокрин тизими орқали таъсир этувчи усуллар ва воситалар комплекси қўлланади.

3.2. Яллиғланишларга қарши таъсир этувчи моддалар

Яллиғланишга қарши таъсир кўрсатувчи дори воситалари жўда ҳам катта гуруҳ препаратларини ўз ичига олади. Ушбу гуруҳ моддалари кечаётган яллиғланиш жараёнларини даволаш мақсадида қўлланилади. Бундай жараёнлар куплаб касалликлар натижасида юзага келади.

Турли хил орган ва туқималарда кечадиган яллиғланиш жараёнлари турлича этиологияга ва патогенизига эга бўлиш мумкин. Патологик жараёнларни даволашда турли кимёвий структурага эга бўлган, таъсир механизми бўйича бир- биридан фарқ қиладиган, узига хос фармакокинетикаси эга, яллиғланишларнинг аслсий бир шакли ва босқичига таъсир кўрсатадиган дори воситалари мавжуд.

Ҳозирги пайтда яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатувчи дори воситаларини, биринчи ва иккинчи қатор препаратларига бўлинган ҳолда қўлланиши белгиланган.

1. Яллиғланишларга қарши қўлланиладиган биринчи қатор препаратлари ушбу препаратлар яллиғланиш кечиш яъни қарши таъсир курсатиб (симптоматика), яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатувчи стероидли ва стероид бўлмаган моддаларга бўлинади.

А) стероидли яллиғланишларга қарши таъсир курсатувчи моддаларга – картйзон, гидрокартизон, преднизолон, метилпреднизолон, дексаметазон, триамцинолон, синарлан, феюметазан пивалат, бета- метазан. Ушбу препаратлар бугунги кунда кучли яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатувчи дори гуруҳларидан биридир.

Стероидлар буйрак усти безининг пустлоқ қисмидан олинадиган гармонлар бўлиб, ветеринария ва тиббиёт амалиётида артрит, дерматит, конъюнктивит, бўғинлар ва туёқ ревматизмида, пневмония, ўпка абцессида, аллергия ва анафилактик касалликларда, захарли хашоратлар чаққанда, қон

касалликларида, нефроз, жигар циррозида, шишлар бўлганда ва куйганда қўлланилади.

Препаратлари. Глюкокортикоидлар- гидрокортизон, кортизон, приднизолон ва бошқалар.

Уларни антибиотиклар билан биргаликда қўлланса яхши самара беради.

Б) стероидли бўлмаган яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатувчи препаратларга, ҳар – хил кимёвий структурага эга бўлган, наркотик бўлмаган анальгетиклар (оғриқ қолдирувчи) гуруҳи препаратлари ҳисобланади.

- пиразолан унумлари – бутадиион, трибузон, анальцин,
- анилин унумлари-салицилатлар.
- индол сиркали кислота унумлари – индометацин, сулиндок.
- фенил сиркали кислота унумлари - ортофен
- прпинли кислота унумлари –ибупрофен, напроксен, кетопрофен.
- антранилли кислота унумлари – нифлунли кислота

Шуниндек ушбу гуруҳга гистаминга қарши воситалар – димедрол, дипразин ҳамда маҳаллий қўлланиладиган яллиғланишларга қарши воситалар, димексид, тиббиётда қўлланиладиган ўт суюқлиги, бишофит, мифенаминнинг натрийли туз препаратларини ҳам киритиш мумкин

2.Иккинчи қаторга мансуб бўлган препаратлар касаллик яллиғланишларига асосий таъсир курсатувчи ва даволовчи воситалар ҳисобланади. Улар туқималардаги касалликни кечиш ҳолатига ўз таъсирини кўрсатиб, тикланишни юзага келтиради. Бундай махсус ревматизмга қарши таъсир, узоқ таъсир кўрсатувчи ҳамда турли хил таъсир механизми мавжуд препаратлар:

- Олтин препаратлари- кризалон миокризин суранофин.
- Пеницилинга айланувчи маҳсулот – D пеницилланиш
- 4- аминокислотин унумлари - хингамин, гидрокси- хлорахин

3.Иммунодепрессив моддалар-азотиоприн.

4.Иммуно тизими ишини кучайтирувчи дорилар- тималин, продигозин, пирогенал.

Таъсир механизми. Организмда яллиғланиш ҳолати, ташқи ва ички (экзоген ва эндоген) жароҳатловчи таъсирлар туфайли яъни бу бактериали, вирусли ва паразитар касалликларни кўзғатувчилари туфайли, шунингдек аллергия, ва кимёвий ҳодисалар оқибатида ҳам юзага келади. касаллик келтириб чиқарувчилар организмда маҳаллий ва умумий реакцини келтириб чиқариши мумкин. Бунинг натижасида орган ва туқималар фаолиятида бузилишлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам яллиғланишга қарши воситаларни қўллаш туфайли ушбу патологик жараёнларни ўз вақтида даволашга эришилиб, олди олинади.

Яллиғланишни доволашда яллиғланиш ҳолати орган ва туқималарда унинг юзаки келиши ва уни давомийлигига ҳамда касалликни келтириб чиқарувчининг кучига боғлиқ бўлади. Организмда яллиғланиш реакциясининг клиник белгилари бу яллиғланиш, оғриқ ва иситма.

Глюкокортикоидларнинг таъсир механизми лупакортинлар синтезини фаоллашувини юзага келиш туфайли A_2 фосфолипаза сусаяди, бунинг натижасида ферментлар фаолияти чегараланади. Мисол учун, стероидли яллиғланишларга қарши воситалар аллергия ҳолатига қарши таъсир хусусияти яққол намоён бўлади. Бироқ стероидли бўлмаган воситаларда эса кўпроқ анальгетик ва ҳароратни туширувчи таъсирлари кўпроқ намоён булади.

3.2.1. Яллиғланишга қарши таъсир этувчи гуруҳ препаратларига умумий тасниф ва уларни қўлланиши.

Димексид (Dimexidum)- рангсиз суюқлик бўлиб, ўзига хос ҳидга эга сувда ва спиртда барча нисбатларда аралашади. Ташқи томондан ҳаракатланувчи аппаратларда яллиғланиш ҳолатларида яхши самара беради. Биологик мемраналар ва тери қатлаидан ўта олиш хусусиятига эга. Ушбу яллиғланишларга қўлланиладиган асосий мақсад, уларда оғриқ қолдирувчи (анальгетик) ва яллиғланишларга қарши таъсирининг мовжудлигидадир. Шунингдек улар сезиларли равишда антисептик, фибринолитик ва маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсирга ҳам эга. Тери орқали бир ватор дори воситаларини ўсишини тезлаштиради.

Демиксид аралаштирилмаган, тоза ҳолатида касаллигида, остеопороз, ортропатия ҳолида жароҳатларда, буғим чўзилишларида, травматик инфилтрат ва бошқа касалликларда яллиғланишларни пасайтириш ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. гепарин билан биргаликда димоксид, тромбофлебитда, микробларга қарши таъсир курсатувчи дори воситалари билан биргаликда (синтомицин мениминти билан), фурункулларда ҳам қўлланилади.

Ветеринария амалиётида димексид, паррандалардаги бактериал инфекцияларда, антибиотиклар (инсел учун, ампициллин билан) биргаликда қўллаш тавсия этилади. ушбу ҳолатда антибиотикка, димексид 10% ли эритмаси шаклида қўшилиб, аэрозол шаклида инкубаторларга қўлланилади. Шу каби ҳозирги пайтда амалиётда ушбу препарат йод эритмаси билан биргаликда, ҳарокат – таянч аппарати касалликларида, мазлар таркибига қўшилган ҳолда, уларнинг микробларга ва яллиғланишларга қарши ҳамда сурилувчанлик таъсирини кучайтиради.

Препаратни жигарнинг токсинларга қарши фаолияти ва буйракларни ажратиш хусусияти бузилганда ҳамда стенокардия ва буғозликда қўллаш тавсия этиламайди.

Шу туфайли димексидни қўллашда эҳтиёткорлик юзасидан оз миқдорда (проба) қўллаб таъсирини синабқўриш тавсия этилади. Тери юзасига тампон орқали суртилади, агар терида қизариш ва қичиш бўлса, организм препаратга ўта сезувчанлигини кўрсатади.

Аллергик ҳолатлар кузатилса, гистаминга қарши дори воситалари қўлланилади.

Мефеналинни натрийли тузи. (Meftnaminum natrium)- Мефеналинли кислота унуми бўлиб, стероидли бўлмаган яллиғланишга қарши дори воситалари гуруҳига киради. Куқун оч – сариқ тусда, сувда ва спиртда яхши эрийди.

Маҳаллий, яллиғланишларга қарши ва оғриқсизлантирувчи таъсир кўрсатиб, жароҳатланган, яллиғланган шилимшиқ пардаларни тикланишини стимулайди.

У 0,1-0,2% ли сувли ёки 1%ли паста шаклида перодонтоз касаллигининг ҳар хил шаклларида ва оғиз бўшлиғи шилимшиқ пардаларидаги яраларда (язва) тавсия этилади.

Консервацияланган тиббиёт ўт суюқлиги (chole conservata medicata) – йирик шохли ҳайвонлар ва чўчқаларни ҳақиқий ўт суюқлигини сақлайдиган препарат: кўкиш рангдаги, ўзига хос хидга эга бўлган, чўкмасид суюқлик таркибида антисептиклар ва стабилизаторлар (этил спирти, формален, фурацилин) сақфлайди. Яллиғланишларга микробларга қарши, сўрилишлар тезлаштирувчи ва маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсир кўрсатади.

У 50 , 100 ва 200 мл идишларда ишлаб чиқарилади. Қуруқ ва қоронғи жойда сақлаш тавсия этилади. Қўллашдан олдин аралаштириш зарур.

Ташқи томонга уткир ва сурункали артрозда, артрит, бурсит, тендовагинит ва бошқа касалликларда, оғриқсизлантирувчи, яллиғланишларга қарши ва сўрилишларни тезлаштирувчи восита сифатида қўлланилади.

Компреслар сифатида, 4-6 қават марлини хўлаб олиниб, яллиғланган тери юзасига қўйилади устидан махсус қоғоз ва пахта билан ёпилиб, енгил боғланади. Қуригандан кейин, яна хўлланиб қўйилади. Боғламлар ҳар куни алмаштириб борилади.

Даволаш муддати 6 кундан 30 кунгача давом эттирилади. Қайта даволаш керак бўлиб қолса, 1-2 ойлик танарфусдан кейин яна амалга оширилади.

Уни тери бутунлиги бузулганда, терида йирингли шикастланишлар бўлганда, ва лимфаденитда қўллаш тавсия этилмайди.

3.2.2. Яллиғланишларга қарши узоқ таъсир этувчи моддалар.

Кризанол – (Crydanolum) олтин препарати. Бу препарат 5% ли инъекция учун унинг майдаги аралашмаси, 2мл миқдорида, таркиби 70% ауротиопропанол – сульфўнат кальцийдан иборат. 1мл аралашмада, 17 мг олтин сақлайди.

Унинг таъсир механизмида, кўплаб ферментлар фаолиятини сусайтирувчи таъсири билан боғлиқ ҳолда, нейтрофиллар фагацитлар фаолиятини ва шунингдек макрофаглари ҳам пасайтиради. Шунингдек

лимфоцитлар ва макрофагларни узаро таъсирини ҳам сусайтиради. Кризанол иммуноглобулин 6 тузилишини ўзгартириб, ревматизмни келтириб чиқарувчи ҳолатларни чегаралайди. Олтин бактерияларга қарши таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, ҳар – хил микроорганизмларни ўсишини тўхтатади, шунингдек полиартритларни ривожланишни келтириб чиқарувчи микоплазмаларни ҳам

Кризанол энг самарали ревматизм (артрит) даволовчи восита сифатида кенг қўлланилади.

Препарат қўлланилганда бир ҳафтадаги олтин миқдори 34 мг дан ошмаслиги керак

Қондаги олтиннинг концентрацияси 250-300 мкг, 100 мл қонда

Салбий таъсири натижасида кичима, стоматит ва конъюнктивит кузатилиш мумкин. Антidot сифатида унитиол ва глюкокортикостероидлар тавсия этилади.

3.3. Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ҳақида тушунча ва уларнинг таъсир механизми.

Яллиғланиш жараёни 3 боскичдан иборат. Булар альтерация, эксудация ва пролиферациядир. Ностероид тузулишдаги яллиғланишга қарши моддаларнинг умумий таъсири яллиғланишга қарши, оғрикни колдириш, тана хароратини пасайтириш ва организмнинг сенсibiliзация кобилиятини пасайтириш асосида арахидон кислотадан простагландинлар ҳосил булишида иштирок этувчи циклооксигеназа ва простагландинсинтетаза ферментлари мажмуаси фаолиятинисусайтириш кобилияти ётади. Маълумки, фосфолипаза – А хужайра кобигидаги фосфолипидлар – арахидон кислотадан циклооксигеназа циклида, ундан простагландинлар, липооксигеназа циклида эса лейкотреинлар ҳамда секин реакция берувчи анафилаксия моддалари ҳосил булишига олиб келади. Бу жараёнлар мабойнида кучли оксидловчи таъсирга эга булган эркин кислород радикаллариининг ҳосил булиши яллиғланишнинг куяйишига сабаб булади. Шунини эсда тутиш керакки, турли кимёвий гуруҳларга мансуб ностероид тузулишга эга булган дорилар ҳар хил ПГ лар ҳосил булишини турли

даражада сусайтиради ҳамда уларнинг бутаъсири барча аъзоларда кузатилади. Бу дориларнинг умумий таъсир кучи бир биридан фарк килганлиги сабабли уларни беморларга тавсия этишда ҳам фарк килади. Ностероид тузулишга эга булган яллигланишга карши дорилар яллигланишни сусайтиради, бу дорилар майда кон томирларни кенгайтиради, лизасома мембрана утказувчанлигини пасайтиради, яллигланиш учогининг энергия билан таъминланишини бузулиши (АТФ хосил булиши камайиши) натижасида яллигланиш медиаторлари (гистамин, серотонин, кининлар, иммун хусусиятли моддалар, айникса простагландинлар хосил булиши бузулиши, тукималар тузулишини бузадиган реагентлар) кислород радикали ва бошқалар яллигланишда иштирок этувчи моддалар тузулишининг узгариши билан уларнинг цитостатик таъсири табиий омиллар хусусиятини оширади. Шу сабабли бу дорилар келиб чикишидан катъий назар хар кандай яллигланишни камайтиради. Масалан, стероид гормонлар, салицилат кислота хосилалари, индометацин кон томирлар утказувчанлигини, яллигланиш учогининг энергия билан таъминланишини сусайтиради, баъзи дорилар (калхицин, олтин препаратлари) эса факат маълум турдаги яллигланишгагина таъсир килади.

Микроорганизмлар, вируслар, лимфокинлар таъсирида фагоцитлар, моноцитларда, ретикулоцитларда хароратни кучайтирувчи моддалар хосил булади. Бу моддалар МНС ва ПГ ларни (купрок иссикликни бошқаришга алоқаси булган ПГЕ) купайтиради. Пглар гипоталамус хужайра мембраналарида ЦАМФ микдорини купайтириб боради. Бу уз навбатида кальций ионларининг орка мия суюклигида микдори ошиб кетишига сабаб булади. Бу эса иссиклик ишлаб чиқарувчи марказ хужайралари кузгалувчанлигини ошириши натижасида иссиклик ишлаб чиқариши ҳамда кон томирлар марказининг фаоллиги ортади. Натижада периферик кон томирлар торайиб иссикликнинг организмдан чиқарилиши камайиши натижасида тана харорати кутарилади. Ностероид тузулишга эга булган дорилар орка мия суюклигида Пглар микдорини, уларнинг гипоталамус нейронларига кузгатувчи таъсирни камайтиради, бу эса уз навбатида иссиклик хосил булишини

камайтиради ва майда кон томирларни кенгайтириб, иссикликни танадан чииб кетишини тезлаштиради. Бу механизм айникса 5-7 ёшгача булган болаларда тана хароратини пасайтиришда катта ахамиятга эга.

Хароратни фойдали томони шуки (антителолар хосил булиши ва интерферон фаоллигини оширади), у лейкоцитлар фаоллигини ва уларнинг фагоцитар хусусиятларини, АКТГ, КГ синтезини кучайтиради, жигарнинг токсинларни зарарсизлантириш вазифасини оширади. Унинг зарарли томони шуки у микроциркуляцияни ва буйракда кон айланишини бузади, катаболик жараёнларни кучайтириш хисобига миянинг кислород билан таъминланишини бузади, мия тукумалари шиши натижасида болалар «шайтонлаб» қолишлари мумкин. НД харорат кутарилиши шайтонлашга сабаб булганда зотилжам, менингит ривожланган пайтлардагина тавсия этиши мумкин. Фосфодиэстераза ферментини ингибиция қилиб хужайралар ичида циклик АМФ ҳажмини оширади. Сунги йилларда утказилган илмий ишларга қараганда, организм узи алоҳида пептидлар хосил қилиб яллиғланишга қарши кураш бошлайди. Табиий ҳолда бу пептидлар плазма оксиллари билан боғланган бўлади. НМ лар эса ушбу пептидларни боғланган ҳолдан сиқиб чиқаради. Брадикинин, серотонин медиаторларини қамайиши туфайли фибробластлар бўлиниши ҳам қамаяди, нордон мукополисахарид хосил бўлишига улар юзаси оксиллар билан қопланишига тусқинлик қилади. Демак яллиғланишнинг пролиферация босқичини бартараф қилади. НМ лардан салицилатлар, бутадион, амидопирин, эксудатив босқичга индометацин, ибупрофен эса пролифератив босқичига қупрок таъсир қурсатади.

Барча препаратлари қуйидаги туртта самарага эга:

- 1.Оғриқ қолдирувчи;
- 2.Иситма туширувчи;
- 3.Яллиғланишга қарши;
- 4.Десенсибиллайдиган стимуляция;

Қўллашга қурсатмалар:

1.Огриксизлантирш учун (бош огриши, тиш огриши, премедикация учун);

2.Иситма туширувчи сифатида;

3.Яллиғланиш жараёнини даволаш учун, купинча таянч харакат аппарати касалликларида – миозитлар, артритлар, артрозлар, радикулитлар, плекситлар;

4.Аутоиммун касалликларида десенсибиловчи сифатида – коллагенозларда, ревматоид артритда, системали кизил югурикда; Ностероид дори воситаларини таъсир механизми.

Ностероидларнинг оғрикни қолдириш механизми.

Аналгетик таъсир механизми яллиғланишга қарши таъсир билан боглик. Бу моддалар факатгина яллиғланиш булса аналгезия чакиради, яъни арахидон кислота метаболизмига таъсир килади. Арахидон кислота хужайра мембранасида булиб, икки йул билан метаболизмга учрайди: лейкотрин ва эндотелиал. Эндотелиал даражада циклооксигеназа ферменти таъсир килиб, унинг таъсирини НЯКД сусайтиради. Циклооксигеназа йули билан Простагландинлар, тромбоксанлар, простагландинлар хосил булади. Огрик қолдириш механизми циклооксигеназаларни сусайтириш ва простагландинларни – яллиғланиш профакторларини хосил булишини камайтиради. Улар микдори камайиб, шиш хам камаяди, шунга яраша сезувчи нерв охирларининг босилиши хам камаяди. Бошка таъсир механизми марказий нерв системасига ва интеграцияга нерв импульсларининг утказувчанлигига таъсири билан боглик. Бу йул билан кучли аналгетиклар ишлайди. Куйидаги дори воситаларида импульс берилишига марказий таъсир килиш механизми бор: аналгин, амидопирин, напроксен.

Ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари факат кутарилган температурани туширади. Даволаш таъсири шу билан богликки, Простагландин E₁ микдори камаяди, Простагландин E эса иситмани аниқлайди. Простагландин E₁, тузулиши буйича интерлейкинга жуда якин. «Т» ва «В» лимфоцитлар интерлейкинлар оркали пролиферацияга учрайди. Шунинг учун

E₁ Простагландинлар фалажланганда «Т» ва «В» лимфоцитлари дефицити кузатилади (иммундепрессив самара). Шунинг учун хароратни туширувчи дори воситалари харорат 39⁰С дан ошганда кулланилади (болалар учун 38,5⁰С). яхшиси НЯКД иситма туширувчи сифатида куллаш керак эмас, чунки биз иммунодепрессив самара оламиз. Паралелл равишда юборилган химиотерапевтик моддалар ҳам, бронхитларни, пневмонияларни даволаш учун. Улар ҳам иммунитетни сусайтиради. Иситма – бу химиотерапевтик моддалар самарадорлигининг маркери хисобланади, НЯКД эса врачнинг антибиотиклар самарадорлигини баҳолаш имкониятини йукотади.

НЯКД нинг яллигланишга карши таъсири глюкокортикоидларнинг яллигланишга карши таъсиридан фарк килади. Глюкокортикоидлар яллигланишнинг ҳамма жараёнларига таъсир килади – альтерация эксудация, пролиферацияларни. Салицилатлар, амидопирин, асосан эксудатив жараёнларга, индометацин – асосан пролифератив жараёнларга таъсир килади (яъни таъсир даражаси тор). Лекин турли НЯКД ларнинг комбинациясидан глюкокортикоидлардан фойдаланмасдан яхши яллигланишга карши самара олиш мумкин чунки глюкокортикоидлар жуда куп ножух таъсирлар чакиради. Яллигланишга карши таъсир шу билан боглики, яллигланиш профакторларининг концентрацияси камаяди. Тромбоцитлар агрегациясини оширадиган, томирлар спазмини чакиадиган тромбоксанлар микдори камаяди, тромбоцитлар активацияси факторлари, яллигланиш медиаторлари – лейкотринлар, кининлар, серотонинлар, гистаминлар, брадикининлар синтези камаяди, гиалуронидаза активлиги камаяди яллигланиш учогида АТФ хосил булиши камаяди.

2. НЯКД аллергик реакцияларни чақириши мумкин (тери тошмалари, ангионевротик шиш, бронхоспазм хуружи). Ревматизм касаллиги билан огриган беморларда салицилатларни юкори дозаларда куп вақт куллаш зарурлиги уларда захарланиш симптомлари келиб чикишига олиб келиши мумкин (салицилатлардан захарланиш). Бунда бош айланиши, кулокларда шовкин, куриш ва эшитишнинг бузулиши, тремор, галюцинациялар ва

бошкалар кузатилади, огир захарланишлар талваса ва кома чакириши мумкин. Шунингдек аллергия реакциялар - Лайелла синдроми курилишида юзага келиши мумкин (эпидермал некролиз). Бутун тана юзасида эпидермиснинг тотал кучиши – пуфакчалар хосил булишидан бошланиб, уларни кенгрок майдонни эгаллайверади, кейин бир – бири билан кушилади ва эпидермиснинг кучиши кузатилади. Лайелла синдроми огир асорат хисобланиб, глюкокортикоидларни эрта вақта куллаганда касалликни енгиллаштириш мумкин, кейин махсус кроватлар, мазлар, инфузион терапия кулланилади. Лейкотреинли астма келиб чикиши мумкин. НЯКД арахидон кислота метаболизмининг циклооксигеназали йулини тусиб куйганлиги учун метаболизм купрок даражада лейкотреинли йул билан боради. Лейкотреинлар бронхлар силлик мускулатурасининг спазмини чакиради (лейкотреинли, аспиринли астма).

Пиразолон унумлари билан даволанганда кон яратилишининг бузулиши мумкин (агроулоцитоз, тромбоцитопения). Купрок бутадиион чакиради. Шунинг учун пиразолон препаратларини кабул килганда мунтазам равишда конни текшириб туриш керак.

НЯКД шунингдек суюкликлар ва сувни ушлаб колишини чакириши мумкин – шиш. Бу диурез шаклланишида катнашадиган простагландинлар хосил булишининг камайиши билан боглик. Агар НЯКД билан фурациллин ёки тиазидли диуретикларни биргаликда кулласак, бу препаратларнинг простагландинларга ракобати туфайли диуретик эффектнинг камайганлиги кузатилади. Огир инфекцион беморларда – интоксикацияли беморларда бу жуда хатарли.

Анилин гурухидаги препаратларнинг харорат туширувчи самараси купрок юзага чиккан. Бу гурух учун – гемолитик анемия, артериал босимнинг пасайиши каби ножуя таъсирлар характерли.

Ножуя таъсирлар келиб чикмаслиги учун харорат туширишнинг физик усулларини куллаш яхширок – артиш (спирт, уксус, сув – 1 ош кошик арок, уксус ва сув – пахта билан хуллаш ва бола танасини артиб чикиш – бу

хароратни туширмайди, лекин иссиқлик сезишни кучли камайтиради), лимфатик тугунларга бой тана сохаларига совук куйиш. Аспирин, бу кислота булиб (ацетилсалицил кислотаси), таркибида аспирин булган комбинирланган препарат – месалазин бор. Бу препарат носпецифик ярали колит, Крон касаллиги (аутоиммун касалликлар)ни даволашда энг самарали хисобланади. Аспирин ивишга карши фибринолитик таъсирга эга, шунинг учун уни тромбоз профилактикаси (1/4 таб. кунига бир марта) ва тромбозни даволаш учун ишлатилади. Аспирин дозасини ошириш керак эмас., чунки у кумуляция булади, самараси эса ошмайди. Аспирин буйраклар оркали чиқарилади. кари кишиларда буйраклар функцияи биров пасайган, шунинг учун аспирин тупланади ва периферик нервлар зарарланиши юзага чиқади. Аспиринни ишкор билан куллаш мумкин эмас, чунки у кислота ва самараси кузатилмайди.

Аналгин типидagi препаратлар
(аналгин, индометацин, амидопирин).

Аналгин – ишкорий табиатли дори воситаси булиб, ишкор билан ичганда, унинг самарасини ошириши мумкин (сут, ош содаси билан).

Индометацин – купинча ульцероген таъсир чакиради, шунинг учун уни хам содали, ишкорли сувлар билан ичилади.

Напроксим, вольтарен – кучли огрик колдирувчи таъсир курсатади.

Димексин (диметилсульфоксим) тери копламаларидан утиш хусусиятига эга. Бугун уни дори воситаларни яллигланиш жойига, учока етказувчи унвесал эритма сифатида кулланилаяпти (унинг узи хам яллигланишга карши эффектга эга). Сульфаниламидлар, В1, В4 витаминлари, кокарбоксилаза билан тери аппликациялари куринишида кулланилади.

Пироксикам – таблетка шаклидаги препарат булиб, нисбатан камрок ножуя таъсирларга эга, яхши огрик колдирувчи, кучли яллигланишга карши самара курсатади (яллигланиш медиаторларига таъсир килади, кининлар, серотонинлар микдорини камайтиради).

Салицилатлар – салицил кислота водороди урнини турли радиаллар билан алмаштириш йули билан олинадиган дори воситалар гурухи. Терапияда биринчи булиб (1875 – 1876 йилларда) хароратни туширувчи ва ревматизмга карши восита сифатида натрий салицилат киритилган. Салицилатларни куллаганда кузатиладиган ножуя таъсирлар кулокларда шовкин, эшитишнинг пасайиши, куп терлаш, шишлар ва бошқалар. Бронхиал астмада юкори сезувчанлик кузатилади – хуружнинг тез кайталаниши ва кучайиши, аллергик реакциялар келиб чикиши мумкин (тери тошмалари), ичишга кабул килинганда – гастрит куринишлари (жигилдон кайнаши, кунгил айниши, эпигастрал сохада огрик, кайт килиш). Салицилатлар конда потромбин микдорини камайтиради, бу кон кетишни чакириши мумкин. Замонавий терапияда салицилатлар жуда кенг таркалган. Жахон буйича уларни ишлаб чикариш йилига бир неча тонналарга етади.

Ацетилсалицил кислотаси (аспирин) фармакологик таъсири буйича натрий салицилатга якин. Невралгиялар, мигрень, иситмали касалликларда 0,25 – 1г дан 3 – 4 марта кунига ичишга буюрилади. Уткир ревматизмда, ревматик эндо- ва миокардитларда катталар учун доза 6 – 4 г суткасига, болаларда харорат туширувчи ва огрик колдирувчи сифатида ёшига караб 0,01 – 0,3 г суткасига берилади.

Аспирин натрий салицилатга нисбатан камрок нерв системасининг бузулиши билан боглик ножуя таъсирлар чакиради, ошкозон томонидан купрок ножуя таъсирлар келиб чиқади. Врач назоратисиз узок муддат аспирин кабул килиш диспептик бузулишлар, баъзида ошкозондан кон кетиши хам чакириши мумкин. Бу ульцероген таъсир, гипофиз ва буйрак усти безлари пустлогига, коннинг ивитувчи факторларига таъсир килиши ва тугридар тугри ошкозон шиллик каватларини таъсирланиши билан тушунтирилади. Шунинг учун салицилатларни факат овкатдан кейин, таблеткаларни майдалаб ва укп микдорда суюклик билан, яхшиси сут билан кабул килиш керак. Ошозон шиллик каватини камрок таъсирлаш учун аспирин кабул килингандан кейин минерал ишкорий сувлар ва натрий гидрокарбонат эритмалари (сода) ичилади.

Аммо улар салицилатларни организмдан тез чикиб кетишига сабаб булади. Салицилатларни қабул қилишга қарши курсатма – яра касаллиги, веноз димланиш, қон ивишининг бузулиши. Салицилатларни узхок муддат қабул қилганда анемия ривожланишини ҳисобга олиш ва системали равишда қонни текшириб туриш ва ахлатда қон бор йуклигини текшириш. Ацетилсалицил кислотани қабул қилганда аллергия реакциялар: бронхоспазм, ангионевротик шишлар, тери реакциялари кузатилиши мумкин.

Таркибида ацетилсалицил кислота бўлган қуйидаги таблеткалар чиқарилади:

Аскофен – ацетилсалицил кислотаси 0,2 г, кофеин 0,05 г.

Асфен – ацетилсалицил кислотаси 0,25 г, фенацетин 0,15 г.

Цитрамон – ацетилсалицил кислотаси 0,24 г, фенацетин 0,18 г, кофеин 0,03 г, какао 0,03, лимон кислотаси 0,02 г, шакар 0,5 г. Бу ҳамма таблеткалар бош оғриғида, невралгияларда, шамоллаш касалликларида ва бошқаларда 1 таб. дан 2 – 3 марта қунига қабул қилинади.

Пиразолон унумлари – бу гуруҳ препаратлари капилляр ўтказувчанлигини қамайтиради ва яллиғланиш жараёни ривожланишига тўсқинлик қилади. Оғрик қолдирувчи, ҳарорат туширувчи ва яллиғланишга қарши таъсири салицилатларга яқин, лекин улардан фарқли уларок гипотиз ва бўйрак усти безларига таъсир қурсатади

Антипирин – пиразолон унуми, биринчи бўлиб терапияга қиритилган (1884 йилда, амидопирин 3 йилдан кейин синтез қилинган), яллиғланишга қарши таъсири қамрок, амидопирин, аналгин, айникса бутадиионга нисбатан активлиги қучсизроқ. Невралгиялар, ревматизм, шамоллаш касалликларида ичишга қабул қилинади қатталар ўчун – 0,25 – 0,5 г дан қунига 2 – 3 марта. Маҳаллий қуллағанда қон тўхтатувчи таъсир қилиши ҳам мумкин: 10 – 20 % эритма бўрундан қон қетганда тампонларни қуллаш ўчун.

Амидопирин (пирамидон) – антипириндан активроқ, курсатмалари шундай, бундан ташқари бугум ревматизмида (қунига 2 – 3 г.) қулланилади. Қатталар ўчун юқори дозаси – бир марталик – 0,5 г, сутқалик – 1,5 г.

Амидопиринни узок вақт қабул қилганда даврий равишда қонни текшириб туриш керак, чунки баъзи ҳолларда қон яратилишининг бузулиши, теи тошмалари, баъзида анафилактик шок ҳолатлари қелиб чиқиши мумкин. Амидопирин организмдан сийдик орқали чиқарилади, сийдик қорамтир-сарик ёки қизил рангга бўялиши мумкин.

Аналгин – қучли оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва ҳарорат туширувчи хусусиятга эга, яхши эрийдиган препарат, айниқса препаратнинг қонда юқори қонцентрациясига эришиш учун қулай. Амидопирин ва аналгинни бирга бўйрилганда тез ва узок муддатли даволаш самарасини бериш имқониятини беради (аналгиннинг қонга утиши ва амидопириннинг секин сурилиши натижасида). Аналгин қелиб чиқиши турли бўлган оғриқларда (бош оғриши, невралгия, радикулитлар, миозитлар), иситма ҳолатларида, гриппда, ревматизм, ҳореяда ишлатилади. Тери остидаги инъекциялар оғриқли, туқималар таъсирланиши мумкин. Қатталар учун юқори дозалар – 1 г. (бир марталик), 3 г. (сутқалик) ичишга.

Адофен – тарқибда 0,2 г.дан аналгин ва амидопирин бўлган таблетқалар.

Анапирин – 0,25 г.дан аналгин ва амидопирин бўлган таблетқалар.

Бутадион – яллиғланишга қарши реакцияси бўйича амидопирин ва салицилатлардан устун туради, шунингдек оғриқ қолдирувчи ва ҳароратни туширувчи таъсир ҳам қилади. Препарат яхши сурилади ва қонда нисбатан қупрок ушланиб қолади. Уткир ревматизмни даволашда, полиартритларни, подаграни, тугунчали эритемаларни даволашда ишлатилади. Тез оғриқни қамайтиради, подагра ҳуружларини бартараф этади, қонда сийдик қислота миқдорини қамайтиради (иридоциклитларда экссудат ва оғриқнинг қамайиши), оёқлар тромбофлебитида (шишни қамайиши) яхши самара беради. Қатталар учун бир марталик дозаси – 0,1 – 0,15 г. қунига 4 – 6 марта. Қуйидаги ноҳуя таъсилар: қунгил айниши, қайт қилиш, ошқозон соҳасида оғриқ, диарея, тери тошмалари, қичиш қақириси мумкин. Препарат билан даволаш жараёнида (врач назорати остида утқазилиши шарт) мунтазам

равишда конни текшириб туриш керак. Диспептик ҳолатларни камайитириш учун таркибида ишкорлар булмаган антацид воситалар буюрилади. Аллергик реакция, конда лейкоцитларнинг миқдорини камайиши – препаратни қабул қилишни тўхтатиш учун курсатма бўлиб ҳисобланади. Бутадионни яра касаллигида, кон яратиш органлари касалликларида, лейкопенияларда, жигар ва буйрак фаолияти бузулганда, юрак ритминини бузулишларида қўллаш қарши курсатма бўлиб ҳисобланади. Бутадионни бошқа препаратлар билан бирга буюрилаганда унинг у препаратларни организмдан буйрақлар орқали чиқарилишини секинлаштиришини ҳисобга олиш керак (амидопирин, морфин, пенициллин ва бошқалар) шу билан уларнинг организмда тўпланиши ва ножуя таъсирлар ривожланишига олиб келади.

Анилин унумлари. Анилин биринчи бўлиб, 1842 йилда И. И. Зинин томонидан синтез қилинган. Шу билан у химиянинг ва шу қаторда фармацевтиканинг ривожланишига, медицинани бир қатор қимматли дори воситалари билан бойитиб катта ҳисса қўшди. Бу гуруҳ аналгетиклардаги терапевтик нуқтаи назаридан 1886 йил амалиётга киритилган антифибрин ва ундан кейин олинган фенацетин аҳамият касб этади. Бу моддаларнинг иситма туширувчи эффекти анилинга боғлиқ, лекин улар анилинга нисбатан кам захарлироқ, водород урнини алмаштирилганлиги учун.

Фенацетин – невралгик оғриқларда, айниқса бош оғриқларда яллигланиш касалликларида ишлатилади. Катталар учун юқори дозаси 0,5 г. (бир марталик), 1,5 г (суткалик) ичишга, қўнига 2 – 3 марта. Бемор яхши кутара олади, баъзи ҳолларда ножуя таъсирлар, аллергия ҳолатлар ривожланиши мумкин. Катта дозаларда метгемоглобинемияни чақиритиши мумкин. Фенацетин қўнидаги таблеткалар таркибида бор – «Пирафен», «Адофен», «Дикафен», «Седалгин» (охиргиси оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи сифатида 1 таб. дан қўнига 2 – 3 маҳал қабул қилинади).

Парацетамол – химиявий тузулиши бўйича фенацетинга яқин, оғриқ қолдирувчи таъсири ундан фарқ қилмайди, шу билан бирга у захарли эмас ва уни қўллаганда метгемоглобин ҳосил бўлиши кам эҳтимоллироқ.

Катталар учун дозаси: 0,2 – 0,5 г. (бир марталик), 1,5 г. (суткалик).болаларда: 6 ойдан – 12 ойгача 0,025 г., 2 – 5 ёшгача 0,1 – 0,15 г., 6 – 12 ёшгача 0,15 – 0,25 г.дан кунига 2 – 3 марта.

Индол унумлари:Бу гурух препаратларини кортикостероидлар ва бошка гормонал препаратлардан фаркли уларок нестероид яллигланишга карши воситалар деб аталади, булар хам яллигланишга карши воситалар сифатида кенг таркалган.

Индометацин (метиндол) – огрик колдирувчи ва харорат туширувчи таъсир этади. Гипофиз ва буйрак усти беи системасига таъсир килмайди. Яллигланиш билан кечадиган касалликларда – неспецифик полиартрит, подагра, бурсит ва бошкаларда кулланилади. Салицилатлар, кортикостероидлар билан бирга кулланилади, уларни дозасини аста – секин камайтириб, индометацин билан тулик алмаштириш мумкин. Келиб чикиши мумкин булган ножуя таъсирлар: бош огриши, бош айланиши, кам холларда уйкучанлик, хушининг узида эмаслиги ва бошка психик куриишлар дозасини камайтирганда утиб кетиши мумкин. Кайт килиш, кунгил айланиши,иштаха йуколиши, ошкозон ости сохасида огриклар булиши мумкин. Диспептик бузулишларни олдини олиш учун ёки камайтириш учун препаратни овкат вактида ёки овкатдан кейин, сут билан кабул килинади, антацид воситалар кабул килинади. Карши курсатмалар: ичаклар ва кизилунгачда яралли жараёнлар, бронхиал астма, хомиладорлик ва эмизикли аёллар, транспортда ва станок олдида ишлайдиганлар бош айланиши мумкинлиги учун.

Раптен рапид – ностероид яллигланишга карши препарат. Кабул килингандан 10 мин.дан кейин конда терапевтик концентрацияда булади ва 20 – 30 мин.дан кейин огрик кучсизланади ва йуколади. Шунинг билан, Раптен рапид мушак орасига инъекция килгандай тез таъсир курсатади. Простагландинларга тугридан-тугри таъсир курсатишдан ташкари, бу восита огрик сезувчанлигини камайтирадиган эндоген бирикмалар микдорини (эндорфинлар) оширади. Бу хусусиятлар Раптен рапидни аёлларда корин остидаги огрикга самарали куллаш имконини беради.

Бу препаратни Югославия фирмаси Nemofarm ишлаб чиқаради ва етказди. Огрикни пайдо бўлиши вақтига қараб, Раптен рапид менструациядан 1 – 3 кун олдин буюрилади (профилактик вариант) ёки менструациянинг 1 – 3 кунларида (терапевтик вариант) қуйидаги схема бўйича: 1-чи кун – 2 таблеткадан 2 марта 4 – 6 соатдан кейин (суткасига максимал 200 мг); 2-чи кун – 1 таблеткадан 2 марта 4 – 6 соатда, керак бўлганда 3-чи таблетка; 3-чи кун – 1 таблетка эрталаб, керак бўлганда 2-чи, 3-чи таблеткалар ҳар 4 – 6 соатда. Препарат 3 цикл давомида қабул қилинади. Одатда бундан кейин дисменорея белгилари 2 – 3 цикл давомида йуқолади, кейин даволаш курсини қайтариш керак. Белда ва бугумларда қучли огрикларда – артритлар, остеоартритлар, спондилоартритлар, остеохондрозларда 1 таблеткадан суткасига 3 марта, қабул қилиш орасидаги вақт 4 соатдан кам бўлмаслиги керак, 14 кунгача. Бу ҳолатларда Раптен рапид таъсири узок муддат давом этадиган НЯКД (масалан, Диклофенак ретард) билан бирга қулланилади. Агар сиз узок таъсир қиладиган препаратлар қабул қилаётган бўлсангиз (масалан, диклофенак ретард), лекин, эрталабки қул – оёқларнинг қотиб қолиши, кун бўйи огриклар сизни безовта қиладиган бўлса, унда суткасига 1 таблетка Раптен рапид қушиш мумкин, фақат бу икки препаратни қабул қилиш орасидаги вақт 4 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Раптен рапид посттравматик ва операциядан кейинги, бош ва тиш огриклари (шу билан бирга тиш каналини плomba қилиш ва илдизли тишларни олдириш) қабиларга тез ва самарали ёрдам қурсатади. Даволаш ҳажми ва давомийлиги огрик сезгиларини юзага чиққанлиги билан боғлиқ: бош ва тиш огрикларида 1 таблеткадан ва шикастланишларда 2 хавталиқ курсгача. Препаратнинг асосий хусусияти – тез ва самарали огриксизлантириш – қул холларда фақатгина ёқимсиз сезгилардан холос этмасдан йуқотилган иш қобилияти ва активлиқни ҳам тез тиклаш.

Раптен рапид – овқатдан олдин, сув билан ичилади. Бошқа НЯКД ларга ухшаб Раптен рапидни ҳам 14 ёшгача бўлган болаларда,

ошкозон ва 12 бармок ичак яра касаллиги бор беморларда, диклофенакни кутара олмаганда буюрилмайди.

Уни қабул қилишдан олдин врач ёки фармацевт билан маслахатлашиш керак.

Охирги йилларда НЯКД турлари кенгаймоқда, бу уткир ва сурункали яллигланиш касаллиги бўлган беморларни самаралироқ даволаш имкониятини беради. Замонавий врачлик амалиёти юқори эффектив НЯКД ларга эга бўлса ҳам клиникага янги дори воситаларни кириши муҳим аҳамиятга эга, бу, айниқса ошкозон ичак томонида ноҳуя таъсирларни юзурилиги билан боғлиқ. Замонавий терапия амалиёти талабларига жавоб берадиган дори воситалари каторига янги юқори самарали препарат Амизон кириб келди.

Амизон – изоникотин кислота унумлари каторидан бўлган химиявий бирикма – N – метил – 4 – бензилкарбамидопиридин йодид. Препарат биринчи бўлиб Украинада синтез қилинган. АМН Украинанинг фармакология ва токсикология ИТИ да, А. В. Палодин номидаги биохимия институтида ва Украина миллий академиясининг А. А. Богомольц номидаги физиология институтида олиб борилган экспериментал ишларда Амизоннинг таъсир механизми урганилган ва у оғрик қолдирувчи, яллигланишга қарши, иситма туширувчи таъсир қилиши аниланган. Унинг афзаллиги интерфериноген хусусияти борлигида бўлиб, вирус этиологияли яллигланиш касалликларида самарали қулланилиб келинмоқда. Клиник кузатувлар шуни қўрсатдики, амизон иситма туширувчи ва яллигланишга қарши таъсири жихатидан салицилатлардан устунлик қилади, унинг оғрик қолдирувчи таъсири эса аналгин ва амидопириндан кам эмас, оғрик қолдирувчи таъсири аналгин ва амидопириндан секинроқ (2 соат) ривожланади, лекин узок довам этади (фармакокинетикасига боғлиқ). Ностероид аналгетиклардан фарқ қилиб, амизон кам захарли ҳисобланади.

Пирозолон унумларидан фарқ қилиб, гемотоксик хусусиятларга эга эмас, қон ва қон яратилишига таъсир қилмайди, маҳаллий таъсирлантирувчи ва ульцероген самара қўқирмайди. Амизон, шунингдек, канцероген, мутаген,

тератоген, эмбриотоксик ва аллергик хусусиятларни намоеён килмайди. Шундай қилиб, терапевтик дозаларда у асоратлар чақирмайди ва ноҳуя негатив таъсир кўрсатмайди. Хайвонларда тажриба ва клиник текширишлар шуни исботлагани, амизоннинг оғрик қолдирувчи самараси мианнинг ретикуляр формацияси орқали периферик опиоидергик механизмлар орқали амалга ошади. Яллигланишга қарши самараси томир реакциясининг қучсизланиши, антиоксидант таъсири, плазматик ва лизосомал мембраналар стабилизацияси натижаси ҳисобланади. Иситма туширувчи хусусияти узунчоқ мианнинг марказларига таъсири билан боғлиқ. Амизон таблеткалар шаклида ичишга (чайнамасдан) буюрилади. Катталарда остеохондрозда, чурралар билан боғлиқ операциялардан кейин, невралгияларда, Herpes zoster оғрик синдромларида 0,25 – 0,5 г.дан кунига 3 – 4 марта.

Қатор ҳолларда, невралгияларда амизонни седатив воситалар билан, кичик транквилизаторлар билан қушиб ишлатиш мумкин. Менингоэнцефалитда амизон 0,25 г.дан кунига 3 марта 10 кун давомида қўлланилади. Пневмонияларни комплекс даволашда 0,25 – 0,5 г.дан кунига 3 марта 15 кун. Вирусли гепатит А ни комплекс даволашда амизон 0,25 г.дан кунига 1 марта касалликнинг 1 – 8 кунига . баъзи беморларнинг оғзи аччи бўлиши, гиперсаливация, оғиз бўшлиғи шиллик пардаларининг енгил шишиши қўзатилиши мумкин, бу препаратни ман қилишга сабаб бўлмайди. Амизон йод препаратларига юқори сезгир беморларга ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида қўллаш қарши кўрсатма ҳисобланади.

Бупранал – Россияда ишлаб чиқарилаётган юори оғрик қолдирувчи самарага эга бўлган препарат, инъекция учун 0,03 % ли эритма. Аналгетик самараси бўйича 1 ампула бупранал, 2 ампула морфин ва 3 ампула промедолнинг урнини босади; таъсир давомийлиги морфинга нисбатан 25 – 50 марта юори; бир марталик дозасининг таъсир давомийлиги 6 – 8 соат (морфиндан 1,5 – 2 марта қўп), тобелик чақириши қамрок. Бупранал шикастланишлардаги оғрик синдромида, операциядан олдин, операция вақтида, операциядан кейинги даврларда, миокард инфарктида, онкологик

касалликлардаги огрикларда, кучли огриклар билан кечадиган касалликларда кулланилади.

Фенилпропион кислота хосилалари.Бруфен (ибубруфен) ва **напроксинлар** меъда-ичак йулида, айникса овкат ейилмаганда яхши сурилади. Сода эритмаси сурилишини кучайтирса, магний оксиди, алмагель, аксинча унинг сурилишини сусайтиради. Конда юкори микдори 1,5 – 2 соатдан кейин, яъни 15 – 20 мг фоизи тупланади (0,2 г кабул килинганда ёки 30 – 40 мг фоизи 0,4 г кабул килинганда) тупланади. Бруфен кон зардобиди 98 – 99 % гача албуминлар билан бирикади. T₅₀ вакти 1 – 3,5 соатгача, напроксинники эса 13 – 14 соатга тенг.

Бруфен жигарда метаболизмга учрайди, ноактив 45 – 80 % чикарилади, напроксиннинг 30 % игина (глюкуронидлар холида) буйраклар оркали чикарилади. Бурсит, тендовагинитларда, миозит, невритларда кенг кулланилади. Ижобий томони шуки, бруфен беморга яхши сингади. Шу сабабли у меъда яраси, гастити бор беморларга тавсия этилади.

Волтарен-натрий кучли яллигланишга карши хусусияти бор дори, салбий таъсири кам, шу сабабли уни беморларга узок муддатга тавсия этса булади.

Кетонал (кетопрофен) – НЯКД, пропион кислотаси унуми. Кучли периферик аналгетик ва баъзи бир марказий таъсирга эга. Шунингдек, яллигланишга карши ва иситма туширувчи таъсир килади, тромбоцитлар агрегациясини бузади. Таъсир механизми Простагландинлар, лейкотринлар ва тромбоксанларни синтезини циклооксигеназа ва липооксигеназа даражасида ингибирлаш билан боглик. Огиз оркали кабул килингандан кейин ошкозон ичак трактидан тез ва тулик сурилади, бириктирувчи тукима ва синовиал суюкликка яхши утиб, самарали концентрацияси 30 соатгача сакланади. Ярим чикарилиш даври 1,6 соатдан 1,9 соатгача. Ножуя таъсирларининг келиб чикиши кам эхтимолли (тез ва тулик чикарилиши).

Кўрсатмалар: Турли негизли огрик синдромлари, шу каторда:

-операциядан кейинги огриклар;

- шикастланишлардан кейинги огриклар;
- гинекологиядаги, неврологиядаги, онкологиядаги, стоматологиядаги огрик синдромлари.

Бугумларнинг яллигланиш ва дегенератив-яллигланиш касалликлари:

- ревматоид артрит;
- носпецифик спондилоартритлар;
- подагрик артритлар;
- остеоартроз;
- бугумдан ташкариги ревматизм.

Карши курсатмалар:

Кетопрофен ва салицилатларга юкори сезувчанлик, хомиладорлик (1 ва 3 триместрлари), лактация, ёши 14 гача булган болалар. Анамнезида ошкозон ичак йулларида яра касалликлари, буйрак ва жигар етишмовчилиги, шунингдек кумарин антикоагулянтлари кабул киладиган беморларга кетонал буюрилишига алохида эхтиёт булиш керак.

Ножуя таъсирлари:Терапевтик дозаларда ножуя таъсирлари кам келиб чикади ва тез утиб кетади. Диспептик бузулишлар, абдоминал огриклар, кунгил айланиши, бош огриши, бош айланиши, уйкучанлик, тери аллергик реакциялари келиб чиқиши эхтимоли бор. Кам холларда ошкозон ича тизимидан кон кетиши ва эрозив ярали жарохатланишлар, шамчалар ва малхамлар кулланилаётганда махаллий реакциялар (ачишиш, кичиш, тери тошмалари) келиб чиқиши мумкин.

Куллаш тартиби: Керак булганда дори формаларини турли комбинацияларидан куллаш мумкин. Бунда суткалик доза 300 мг.гача оширилиши ёки 100 мг.гача камайтирилиши мумкин, беморларнинг холатига, касаллик характерига боғлиқ. Капсула ва таблеткаларни овкат вақтида кабул қилиш керак. Малхам терига суртилгандан кейин узок ва эхтиётлик билан артилади.

Хинолин хосилалари. *Хингамин* узок вақт яллигланишга карши таъсир курсатади ва яхши сурилади, конда даволовчи микдори аста секин ошади ва

узок сакланиб туради, купрок сийдик ва ахлат билан ажралади. Сийдикнинг ишкорий мухотида унинг ажралиб чиқиши камаяди. Плаквенилнинг 60 % сийдик билан узгармаган холда чиқарилади, колган кисми эса дезэтилхлорохон, дезэтилоксилорин ва бисэтилхлорохин холида чиқарилади. Холин хосилалари сурункали аллергик табиатли яллигланиш билан кечаётган ва бошка НЯКД таъсир килмаётган касалликларда (ревматоид артритлар, узок ва тухтовсиз кечаётган ревматизм, коллагенозлар, сурункали аллергик миокардит, саркоидоз, сурункали нефрит, амилоидоз) тавсия этилади. Хинол унумлари узок вақт тавсия этилганда (6 – 10 ойдан сунг) уз таъсирини курсата боради, факат катта микдорларда (хлорохин – 0,3; плаквенил – 0,5) узок вақт берилганда тери касалликларини, тери кичишини ва куриш кобилиятининг бузулиши сингари салъбий таъсирларни келтириб чиқариши мумкин. Бу дорилар микдори камайтириш йули билан унинг салъбий таъсири камайтирилади. Бу дориларни хомиладор аёлларга, куз пардаси касаллиги, цитопенияда, жигар ва рухий касаллларда тавсия этилмайди.

Метотрексат (аметоптерин, метиоаминоперин) – фолат кислотанинг синтетик аналоги булиб, антиметаболитлар гурухига кирадиган цитостатик модда. Метотрексат дигидрофолинредуктазани ракобат йулибилан фалажлаши натижасида хужайра ичида метил гурухининг умумий ташувчиси булган фолат кислота етарли микдорда хосил булмайди. Бунинг натижасида уридиннинг тиминга метилланиши бузилади, натижада эса ДНК синтези фалажланади. Метотрексат гуморал ва хужайра иммунитетини паайтиради. У купрок суяк тукумаларини кучириб утказишда бемор организми уни чиқариб ташлаш реакциясининг олдии олиш учун ишлатилади. Метотрексат суяк кучириб утказилганда 100 кун танафуслар билан бериб борилади. Сунгра беморга азатиоприн билан преднизолонни комбинацияда кулланилади. Метотрексат ишлатиладиган иккинчи касаллик псориаз булиб, бунда препарат бир хавта давомида 2,5 – 5,0 мг.дан кунига 2 марта ичишга берилади. дорини хавтасига 7,5 – 50 мг.дан мушакка, венага юбориш хам мумкин. Метотрексат юкорида келтирилган тартибда юборилганда касалликнинг клиник ва

лаборатория курсатгичлари яхшиланади. Метотрексат полимиозит ва дерматомиозитларда катта микдорларда (30 – 50 мг) хафта уртасида оралатиб берилганда яхши самара курсатади. Дорининг самараси касалликнинг бошланган даврида яхшироқ булади. Препарат дигидрофолуредуктаза ферменти билан мустахкам боғланганлиги туфайли унинг иммун тизимини фалажлаш хусусияти узок сакланади, эришилган таъсирини саклаб туриш учун уни хафтасига бир марта юбориб туриш тавсия этилади.

Юбориш йулини аниклаш дорининг микдорига боғлиқ. Оз микдорда (20 мг/м²) юборилганда дори меъда ичакларда яхши сурилади, юкори микдорининг сурилиши турлича кечади. Дорининг уртача ва юкори микдори (айникса венага юборилганда) фармакокинетикаси икки боскичда боради: 1-боскичида юборилган микдорнинг куп кисми организмдан чиқиб улгуради; 2-боскич охирги терминал боскич. Куп олимларнинг фикрича, дорининг бу боскичида лейкопния, анемия каби салбий таъсирлар келиб чиқади. Дорининг захарли таъсири унинг юбориладиган микдорига боғлиқ булиб, уни бериш тухтатилганда ёки камайтирилагнда утиб кетади. Шу сабабли, метотрексат билан даволанганда даволаш боскичи тугагач лейкоцитлар, тромбоцитлар сонини 1-2 ой давомида хафтасига бир марта текшириб туриш керак. Метотрексат сульфаниламидалр, салицилатлар ва антикоагулянтлар билан бир вақтда ишлатилмайди, чунки, бунда уларнинг кон туқимасига салбий таъсири кучаяди.

Асоратларидан яна бири меъда яраси, корин соҳасидаги огрик, ахлатда кон булиши, кунгил айниши, ич кетиши каби белгилардир.

Энг хафли асоратларидан (айникса узок ва катта микдорларда ишлатилганда) бири жигарнинг зарарланиши булиб, куп холларда фиброз ва цирроз билан тугайди. Жигарнинг зарарланишига купрок дорининг катта микдорда ишлатилиши, айникса беморнинг спиртли ичимликлар ичишига сабаб булади. Бошка асоратлардан буйракларнинг зарарланиши, соч тукилиши,

терига тошмалар тошиши, уйку босиши, кулок огриши, куз огриши каби белгилар кузатилиши мумкин.

Фармакокинетикаси. Дорининг микдорига караб фармакокинетикасидаи 2 та боскич: тез таркалувчи ва терминал боскичлар фарк килинади. дори асосан жигарда парчаланади ва буйраклар оркали метаболитлар курунишида, куп кисми эса узгармаган холда 8 соат ичида чикиб кетади. Шу сабабли аёлларда меъда ичак касаллигида, суяк тукумаси касалликларида ишлатилмайди.

Винбластин (розевен, велбан, винкалейкобластин) индол ядроли алкалоидлар булиб, буригул усимлиги ва баъзи бир бошка доривор усимликлардан олинади. Винбластин метафазага таъсир киладиган захар, унинг хужайра зардобиди оксил синтезини бузиш хисобига ДНК ва РНК синтези бузилади ва микронайча курилиши учун зарур тубулин етишмай колади. Винбластин суяк тукумасида иммунитетга масъул хужайраларнинг етилишини бузади. Препарат 0,05-0,1 мг/кг хисобиди тромбоцитопеник пурпура ва аутоиммун гемолитик анемияни даволаш учун хафтасига бир марта венага юборилади. Даволаш боскичи учун ишлатиладиган микдори 100 мг.дан ошмаслиги керак.

Препарат кон элементларини, айникса лейкопоз ва тромбоцитопозни сусайтиради. Шу сабабли дори ишлатилагнда бир хафтада 3 марта конни текшириб туриш тавсия этилади. 1 мл конда лейкоцитлар сони 3000, тромбоцитлар сони 10000 га тушиб колганда дори бериш тухтатилади. Винбластин диспептик узгаришларни, умумий кувватсизлик, кулнинг бош бармоги фалажи, сарик касаллиги, стоматит, тери некрози, венага юборилганда вена томирини яллигланиши (флебит) каби асоратларни келтириб чикариши мумкин.

Винбластин кон тукумалари фаолияти пасайганда, ошкозон ичакнинг уткир касалликларида, яра касаллигида хамда касалликнинг терминал боскичида ишлатилмайди.

Иммунодепрессив дорилар – булар иммунокомпенент (лимфоид) хужайралар тузулиши ва фаоллигининг бузулиши хисобига тана иммун тизими

ишини пасайтиради. Кортикостероидлар, хиолин хосилалари, цитостатик дорилар иммун тизими ишини сусайтиради. Лекин алкилловчи (циклофосфамид, допан, лейкоран) препаратлар ва антиметаболитлар, меркаптурин, азатиоприн, метотрексат каби дорилар иммун тизими фаолиятини сусайтирувчи дорилар хисобланади. Бу дорилар купрок гематология, онкология амалиётида ишлатилади.

Азатиоприн беморларнинг дорини кутара олишига ҳамда салбий таъсирларининг кечишига караб узолк вақт давомида тавсия этилади. Азатиоприн билан даволаш пайтида кон таркибини (ок кон таначалари микдорини) кузатиб бориш керак. Буларнинг микдори 4000 га кадар тушиб кетса, дори микдорини камайтириш керак бўлади. 3000 га тушганда эса дори беришни тухтатиш зарур. Азатиоприн иштахани бузади, кунгилни айнитади, узок ва нотугри ишлатилса юкумли гепатитни келтириб чикаради. Батриден – организмнинг иммун хусусиятини пасайтирганлиги сабабли уни глюкокортикоидларга, антибиотикларга кушиб, буйрак кучириб утказилганда уни саклаб қолиш учун ишлатилади. Батриден бошка цитостатикларга кушиб ишлатилмайди, чунки бунда уларнинг салбий таъсири кучаяди.

Иммун тизими ишини кучайтирувчи дорилар. Бу гуруҳга кирувчи дорилар организмда кечаётган иммунологик жараёнларни кучайтиради ҳамда иммунокомпетент хужайралар (Т ва В лимфоцитлар) ва макрофаглар фаоллигини ошириш хусусиятига эга. Бу моддалар регенерацияни кучайтиради, одам организмнинг умумий чидамлигини оширади. Шу туфайли бу моддаларни бошка дориларга ушиб (антибиотиклар, яллигланишни сусайтирувчи дорилар) яллигланиш билан кечадиган юкумли ва юкумсиз касалликларда ҳамда регенерацияни кучайтириш максатида кенг қулланилади.

Левамизол (декарис) ичакда паразитлик килувчи гижжаларни ҳайдаш учун тавсия этилади. У организм умумий қувватини ошириш кучига эгалиги туфайли иммун тизими ишини кучайтирувчи дори сифатида ҳам ишлатиладиги. Левамизол Т – лимфоцитлар ҳамда фагоцитларни узгартириб, иммун тизим

хужайра механизмини тартибга солади. У Т-лимфоцитларга танлаб таъсир килади.

Левамизол аутоиммун табиатли касалликларда, сурункали ва тез тез кайталаниб турадиган юкумли касалликларда, усма касаллигида ишлатилади. Левамизол ичилганда, тери остига юборилганда конга яхши сурилади. Юкори микдори конда 2 соатдан кейин кузатилади. T_{50} – 4 соатгача, лекин конда 2 кундан кейин бутунлай йуколади. Хафтасига бир марта 2 кун мабойнида берилганда таъсири кузатилади, салбий таъсирларидан энг хавфлиси ок кон таначаларининг камайиб кетишидир, терига тошмалар тошиши, кон босими ошиши хам кузатилади.

Левамизол хомиладор аёлларга тавсия этилмайди. Уни ревматизмга карши ва конни камайтирадиган дорилар билан бирга кушиб ишлатилмайди.

Тималин – иммун тизимини фаоллаштиради. Т – ва В – лимфоцитлар микдорини купайтиради, фагацитоз ва регенерацияни кучайтиради. Хужайра иммун тизимини сусайиши билан кечаётган касалликларда шу тизим иш фаолиятини кучайтирувчи дори сифатида ишлатилади, жумладан, уткир ва сурункали йирингли яллигланиш касалликларида, куйганда, узок битмайдиган трофик яраларда 10-30 мг.дан кунига 5-20 кун давомида мушакка 1-2 мл натрий хлорнинг изотоник эритмасида юборилади.

Продигиозан – бактериялардан олинган полисахарид. Организмнинг носпецифик ва специфик кучини оширади, айникса Т-тизими ва буйрак усти беzi фаолиятини кучайтиради. Иммун тизими иш фаолияти сусайган касалликларда, операциядан кейинги даврда, нур касаллигида продигиозан мушакка юборилади (сезувчанлик аниклангач, катталаргша 15 мг, болаларга 10 мг, 3 кундан кейин эса 25-30 мг.дан), болаларга суткасига 19-20 мг.дан хар 4 ёки 7 кунда бир марта юборилади. Дори берилгач, беморнинг харорати кутарилиши, боши, бугумлари огриши, узини ёмон хитс этиши мумкин. Асаб касаллигида, уткир юрак инфарктида тавсия этилмайди.

Пирогенал – микроблардан олинадиган липополисахарид. Таъсири жихатидан продигиозанга ухшаш. Пирогенал юборилган беморнинг тана

харорати, ок кон таначалари, тукималар утказувчанлиги хам ортади, химиотерапевтик дориларнинг тукималарга кириши яхшиланади. Пирогенал МНС жароҳатлари ва касалликларидан кейин тикланиш жараёнларини тезлаштириш учун, чандикларнинг сурилиши, юкумли касалликларни даволаш, айникса, улар узок ва кайталаниши билан кечаётганда ишлатилади. Дори микдори оширилганда баъзи беморларда тана харорати хаддан ташкари кутарилиб кетиши мумкин, бел соҳасида огрик пайдо булади. Бу ходисалар 6-8 соатдан кейин утиб кетади, бундай пайтда дори моддаларини камайтириш керак булади.

Глюкокортикоидлар (ГК) гидрокортизон (кортизол), кортизон, преднизолон, преднизон, триамцинолон (поликортолон, кеналог), кепакорт, дексаметазон, метилпреднизолон (урбазон), бекламетазон (бекатид). Глюкокортикоидларнинг биологик аҳамияти. Буларнинг аксарияти меъда-ичакдан ва теридан яхши сурилади, лекин триамцинолон ацетонид (фторокот, кенакорт) асосини ташкил килади, факат маҳаллий куллаш учун чиқарилади. Бекатид ҳам купрок маҳаллий (аэрозол холида) ишлатилганда таъсир килади. Кон зардобиди ГК лар соф холда ҳамда глобулин ва транскортин билан бириккан холда учрайди. У вақти-вақти билан соф гармон ажратиб туради. Синтез йули билан олинган ГК лар камрок (60-70 %) боғланган холда булади, шу сабабли улар хужайраларга тез киради ва уз таъсирини курсатади. ГК лар жигарда парчаланади, сийдик билан узок вақт давомида (72 соатда) ажралиб чиқади. Шу сабабли бундай беморларга уларнинг бир марталик микдорини купрок тавсия этиш керак. Синтетик глюкокортикоидлар тукималарда секинрок парчаланади, шу туфайли уларнинг ярим биологик вақти узок. Кортизоннинг ярим биологик хаёти 8 – 12 соат булса, преднизолонники 12 – 36 соат, дексаметазонники эса 36 – 54 соат. Табиий ГК лар (гидрокортизон, кортизон) натрий хлор, бикарбонатлар ва сувни организмда купрок ушлаб колса, водород ва калийни купрок чиқарилганлиги сабабли метаболитик алкалозни келтириб чиқаради. Сунъий ГК ларда юкорида кайд этилган хусусиятлар камрок (преднизолон, преднизон) ёки бутунлай йук (метилпреднизолон, дексаметазон,

триамциналон). ГК лар хужайраларга осонлик билан кириб, хужайра цитоплазмасидаги рецепторлар билан бирикади, хужайра ядросига кириб оксил хосил булувчи генларга ҳамда апоферментлар ва турли кофакторларга бирикади. Натижада ферментлар хосил булишини бошқариш, оксил синтези ва моддалар алмашинувини идора этишда, шунингдек, тукималарнинг биологик фаол моддаларга реакциясини, шу жумладан асаб охиридаги медиаторлар сезувчанлигини ошиб боришида иштирок этади.

4. Ветеринария ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди

Хайвонларни асраб боқиш ишлари ҳозирги вақтда хўжаликда янги бозор иқтисодиётига мослаштириляоти ва зоотехния, ветеринария ишларига катта ртибор берилмоқда, хайвонлар асосан ёппасига ветеринария кўригидан ўтказилади. Бу вақтда кўйларни эмлаш ва дегелминтизация гижжасизлантириш, каби тадбирлар ҳам режа асосида олиб борилади хайвонлардан олинган қонар ёки мажбурий сўйилган хайвонларни ички органлари ветеринария лабораториясига жўнатилади.

